

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

ЖУМАНИЁЗОВ ЖАМОЛБЕК ШОКИРБОЕВИЧ

**«БАНК АКТИВ ВА ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
ВА УНДАГИ МУАММОЛАР»**

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ»

«Банк иши» кафедраси
мудир

_____ и.ф.н., доц. С.Х.Норқобилов

« ____ » _____ 2013

Битирувчи:

5340700 -“Банк иши”- таълим йуналиши

4-курс талабаси

Жуманиёзов Жамолбек Шокирбоевич

Илмий раҳбар:

_____ и.ф.д.,проф. Ш.З.Абдуллаева

ТОШКЕНТ – 2013

Мен, **Жуманиёзов Жамолбек Шокирбоевич** ушбу битирув малакавий ишини мустақил бажардим, кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган ҳолатимда БМИ кафедра мудири тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор қилиниши ва “қониқарсиз” баҳо қўйилишини биламан.

Жуманиёзов Ж.Ш. _____

“ ____ ” _____ 2013 й.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.	3
I БОБ. Банк актив ва пасcивларини бошқаришнинг назарий асослари.	
1.1 Банк актив ва пасcивларини бошқариш назариялари ва усуллари.	7
1.2 Ўзбекистон Республикаси банклари актив ва пасcивлари таркиби ҳамда динамикаси.	21
1.3 Банк актив ва пасcивларини бошқаришнинг халқаро амалиёти.	27
II БОБ. Банк актив ва пасcивларини бошқаришнинг амалий жиҳатлари.	
2.1 Банк актив ва пасcивларини самарали бошқариш орқали банк ликвидлигини ҳамда даромадлилик даражасини оптималлаштириш.	32
2.2 Ўзбекистон банклари амалиётида актив ва пасcивларни бошқариш усуллари.	39
2.3 ОАТ “Алоқабанк” актив ва пасcивлари сифат жиҳатидан таҳлили.	48
III БОБ. Банк актив ва пасcивларини бошқаришдаги муаммолар ва уларнинг ечими.	
3.1 Банк актив ва пасcивларини бошқаришдаги муаммолар.	54
3.2 Ўзбекистонда тижорат банклари актив ва пасcивларини бошқаришдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини таъминлаш йўллари.	58
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.	64
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	66
ИЛОВАЛАР	70

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора – тадбирлар охириги ўн йил мобайнида банклар жами капиталини 9 баробардан зиёдга, охириги уч йилда 2 баробардан ортиқ ўсишини таъминлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон банк тизими фаолиятининг барқарорлик кўрсаткичлари халқаро стандартлар талаблари асосида белгиланган меъёрлар бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этмоқда. Жумладан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир¹.

Банкларнинг капитали ҳамда жалб қилинган депозитлари ҳажмининг муттасил ўсиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк тизимининг республика иқтисодиётини ривожлантиришга, банкларнинг инвестициявий фаолиятининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

2012 йил якуни бўйича тижорат банкларининг жами активлари суммаси 35 744 млрд. сўмга тенг бўлган ва 30 фоиздан кўпроққа, сўнги 10 йил ичида эса ушбу кўрсаткич 11 баробардан зиёдга, охириги 3 йилда эса 2,3 баробарга ошган².

Битирув малакавий ишининг долзарблиги: Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ресурсларини шакллантириш, уларни энг кам таваккалчилик асосида жойлаштириш ва юқори даромад олиш тижорат банкларининг олдида турган муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

² Бозор, пул ва кредит журнали, 01.2013 (188) сон. “2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”.

Тижорат банки актив ва пассивларининг таркибий тузилиши унинг даромад ва харажатларини олдиндан белгилаб беради ва бу билан банкнинг ривожланишини ҳам кўриш мумкин.

Тижорат банклари фаолиятининг самарадорлиги ва узлуксизлиги биринчи навбатда банкларнинг ресурслари билан қанчалик етарли таъминланганлигига боғлиқ. Маълумки, тижорат банклари молиявий ресурслари маълум шартлар асосида жалб қилинган ва банкнинг ўз маблағларидан ташкил топиб, банк даромадини шакллантириш мақсадида актив операцияларга йўналтирилган молиявий манба ҳисобланади.

Бугунги кунда банк тизимида қатор ўзгаришлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика Молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори, тижорат банкларида капиталлашув жараёнларини жадаллаштиришга қарорлар ва фармонлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тижорат банкларининг устав капиталини оширишга ва шу орқали уларнинг ликвидлигини мустаҳкамлаб боришга қаратилгандир.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари: Битирув малакавий ишининг мақсади банк актив ва пассивларини бошқаришнинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш, шунингдек уни такомиллаштириш борасида илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишида ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Банк операцияларининг мазмун моҳиятини ўрганиш;
- Банк актив ва пассивларининг таркиби ва структурасини ўрганиш;
- Банк актив ва пассивларини бошқариш назариялари ва методларини ўрганиш;

- Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва ОАТ “Алоқабанк” актив ва пассивлари таркиби, динамикаси ва структурасини таҳлил қилиш;
- ОАТ “Алоқабанк” ликвидлик ва даромадлилик даражасини таҳлил қилиш.

Битирув малакавий ишининг предмети – тижорат банклари актив ва пассивларини бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, шунингдек актив ва пассивларни бошқаришни такомиллаштириш хусусиятлари.

Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, тижорат банклари актив ва пассивлари таркиби, динамикаси ва уларни бошқариш методикаси ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий-амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида келтирилган назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар ва тавсиялар киритилган. Тадқиқотдаги маълумотлардан Республика банк тизимини башқаришни такомиллаштириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, битрув малакавий ишида келтирилган тавсиялар ва таклифлар банк тизими соҳасида дастурлар ва қарорлар қабул қилишда хизмат қилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

Кириш қисмида малакавий битирув иши мавзусининг долзарблиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён қилинган, унинг предмети ва объекти аниқланган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва илмий жиҳатдан янгилиги асослаб берилган, шунингдек амалий аҳамияти кўрсатилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида банк актив ва пассивлар операциялар таркиби, моҳияти, актив ва пассивларни бошқариш назариялари, методлари, Ўзбекистон банклари актив ва пассивлари

таркиби, ўзгариш динамикаси ҳамда актив ва пассивларни бошқаришнинг жаҳон тажрибаси баён этилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида банк актив ва пассивларини самарали бошқариш орқали банк ликвидлиги ва даромадлилик даражасини оптималлаштириш йўллари, Ўзбекистон банклари амалиётида актив ва пассивларни бошқариш усуллари ҳамда ОАТ “Алоқабанк” актив ва пассивларининг сифат жиҳатидан таҳлили очиб берилган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида Банк актив ва пассивларини бошқаришдаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимини таъминлаш йўллари ҳақида гап кетади.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида, тадқиқот бўйича умумий хулосалар келтирилган, ва назарий ҳамда амалий тавсиялар ва таклифлар киритилган.

I Боб. Банк актив ва пассивларини бошқаришнинг назарий асослари.

1.1. Банк актив ва пассивларини бошқариш назариялари ва усуллари.

Тижорат банклари фаолиятида актив ва пассивларни самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Банклар актив ва пассивларини самарали бошқариш орқали ўзларининг даромадлилик даражасини оширадilar, ликвидлигини мустаҳкамлайдилар ва ўз навбатида иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир кўрсатадилар. “Активларни бошқариш деганда ўз ва жалб қилинган маблағларни жойлаштириш тартиби ва йўллари тушунилади”¹. Банк актив ва пассивларини бошқариш назариялари методлари ҳақида сўз юритишдан олдин банк актив ва пассивлари ҳақида ҳамда актив ва пассив операциялар ҳақида қиқача маълумот бериб ўтиш лозим.

Банк активлари - бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: нақд маблағлар, қарзга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб-ускуналардан ташкил топади. Булардан ташқари банкда номоддий активлар ҳам мавжуд бўлиб, булар ўзларининг моддий шаклига эга бўлмайдилар, аммо банкнинг асосий фаолиятида фаол иштирок этадилар.

Банкнинг актив операциялари деганда, банкнинг ўз ва жалб қилинган молиявий ресурсларини даромад олиш мақсадида жойдаштириш тушунилади.

Тижорат банклари активларининг асосан тўртта турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кассадаги нақд пуллар ва уларга тенглаштирилган маблағлар;
2. Қимматли қоғозлар ва инвестициялар;
3. Берилган кредитлар;

¹ Абдуллаева Ш.З. Банк иши.-ТМИ. 2003 йил, 196 бет.

4. Асосий воситалар.

Тижорат банклари фаолиятида унинг активлари ва улар билан боғлиқ актив операцияларининг рисклик даражасини аниқлаш ҳамда бу жараёни бошқариб бориш муҳим ўрин тутди.

Банк активлари таркибининг тўғри белгилаб олиниши ва улардан мақсадли фойдаланиши банкларнинг самарали фаолият олиб боришига асос ҳисобланади. Тижорат банкларининг активлари ўзига хос белгиларига кўра ликвидлик ва риск даражасига қараб ҳамда даромад келтиришига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади.

Банк балансида активлар ликвидлик даражасига қараб акс эттирилади ва **ликвидлик даражасига** қараб улар қуйидаги 3 гуруҳга бўлинади:

1. Юқори ликвидли активлар. Буларга:

- кассадаги ва йўлдаги нақд пуллар, қимматбаҳо тошлар, монета, чеклар ва бошқа пул ҳужжатлари;
- вакиллик ҳисобварағидаги маблағ қолдиқлари;
- «Ностро» ва «Востро» счетлардаги қолдиқлар;
- мажбурий резервлар смети бўйича маблағлар қолдиғи;
- қимматли қоғозлар, хазина векселлари, давлат облигациялари, ЎРМБ нинг қимматли қоғозлари ва облигациялари.

2. Ликвид активлар. Буларга:

- берилган кредитлар (жумладан, банклараро ҳам);
- ўз инвестициялари;
- бошқа қимматли қоғозлар, муддати 30 кунгача бўлган дебиторлар;

3. Ноликвид (паст ликвидли) активлар. Буларга:

- муддати ўтган ссудалар;
- муддати ўтган фоизлар;
- суд аралашуви билан ўзлаштирилиши кўзда тутилган ссудалар;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- асосий воситалар киради.

Банк доимий тарзда ўзининг ликвидлилигини маълум бир даражада сақлаши керак. Ликвидлиликка бўлган талаб активлардан келадиган даромадни ошириш фаолиятига маълум даражада қарши туради. Банкнинг активлари қанчалик даражада ликвидли бўлса шунчалик улар билан боғлиқ

риск кичик бўлади, аммо шунга жавобан уларга тўланадиган фоиз ҳам шунчалик кам бўлади. Белгиланган тўловга қобиллик доирасидан чиқмаган ҳолда активларга жойлаштирилган капиталдан даромадни ошириш, банкда бошқариш санъатини белгилайди.

Рисклик даражасига қараб ҳам активлар тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Рискдан ҳоли бўлган активлар. Бу активлар бўйича риск даражаси 0% га тенг.
2. Кичик (минимал) рискли активлар. Бу активлар бўйича риск даражаси 20% га тенг.
3. Юқори рискли активлар. Бу активлар бўйича риск 50 % га тенг.
4. Энг юқори даражадаги (максимал) рискли активлар. Булар бўйича риск даражаси максимал бўлиб, у 100% га тенг бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 11 февралда №632-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда №242-сон билан тасдиқланган “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”га кўра банк активлари **сифат жиҳатидан** қуйидаги тартибда тоифаларга ажратилади:

1. Яхши активлар;
2. Стандарт активлар;
3. Субстандарт активлар;
4. Шубҳали активлар;
5. Умидсиз активлар.

Тижорат банкларининг операцияларининг иккинчи қисми бўлган **пассив операциялар** банклар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. “Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади”¹.

Ҳозирги кунда банкларнинг етарли ресурсларга эга бўлиши ўта долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумки, банкнинг етарли ресурсларга эга бўлиши унинг пассив операцияларини самарали ташкил этиш ва бошқаришини талаб этади.

Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришда асосий эътибор банк баланси пассивидаги маблағларнинг манбаларига қаратилади. Ушбу маблағлар иккита йирик гуруҳга мажбуриятлар ва капиталга бўлинади.

Мажбуриятлар – банк томонидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан, капитал эса банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан шаклланади. Ушбу маблағларнинг барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилиши тижорат банкларининг самарали ишлаши ва иқтисодий жиҳатдан бақувватлигини таъминлайди.

Пассивлар ва активлар бўйича мажбуриятларни бошқариш банкнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта ўрин тутаяди. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қилади.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг ўз маблағлари юзага келади, қолган охириги иккитасида эса банкнинг жалб қилинган ресурслари юзага келади.

¹ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: “молия”, 2000. 211-б.

Банкларнинг ўз маблағларига – банкнинг устав капитали, захира капитали, махсус фонлар, моддий рағбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Банк амалиётида пассивларнинг 20 фоизга яқини банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади.

Жалб қилинган маблағлар тижорат банклари кредит ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Булар депозитлар ва контокоррент ҳамда корреспондент ҳисобварағидаги маблағлардир.

Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш.

Молиявий менежмент тизимида энг муҳим йўналишлардан бири банк актив ва пассивларини самарали бошқариш бўлиб ҳисобланади. Активларни бошқариш асосида ўз ва жалб қилинган ресурсларни жойлаштириш тартиби ва йўллари ётади. Тижорат банкларининг пассивларини бошқаришда, халқаро банк амалиётида, «Банк пассивларини бошқариш» назариясидан кенг фойдаланилади. Мазкур назарияда асосий эътибор тижорат банкларининг депозит базасини яхшилашга қаратилади. Тижорат банкларида бу нақд пулларга, инвестицияларга, ссудаларга ва бошқа активларга тақсимланади. Бунда асосий эътибор қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва ссуда операцияларига қаратилади.

Банкни оқилона бошқаришнинг биринчи шarti омонатчилар талабини қондира олиш имкониятига эга бўлиш бўлса, иккинчи шarti кредитга бўлган талабни қондириш учун етарли бўлган маблағларга эга бўлишдир.


Актив ва пассивларни бошқаришнинг асосий **вазифаси**: банкнинг қисқа ва узоқ муддатли ликвидлигини бошқариш; банк рентабеллигини ушлаб туриш ва ошириш; банк капитали структураси ва етарлилигини бошқариш; банкнинг фоизли харажатларини бошқариш; активлар сифатини бошқариш; солиқ юқини пасайтириш ва оптималлаштириш; банкнинг барқарорлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш.

Актив ва пасивларни бошқаришнинг **мақсади** – баланс структураси ва унинг рентабеллиги бўйича банкнинг бош стратегиясига эришишда банк фаолиятини рисклардан ҳимоя қилиш бўлиб ҳисобланади.

Актив ва пасивларни бошқариш методлари.

Тижорат банклари жалб қилинган ресурсларни турли хил актив операцияларга тақсимлашлари керак. Бунда банклар қуйидаги методлардан фойдаланадилар:

1. Умумий фонд маблағлари методи. Бу метод асосида барча ресурсларни умумий битта жойга йиғиш ғояси ётади. Бу методни кўпгина банклар маблағлар кўп бўлган даврда қўллайдилар. Тижорат банк бошқарувчиси жойлаштирилиши учун жавобгар бўлган маблағлар турли манбалардан: талаб қилиб олингунча қўйилмалар, жамғарма, муддатли қўйилмалар, шунингдек банк ўз капиталидан келиб тушади. Тўпланган ресурслар мос ҳисобланган активлар турлари (ссудалар, давлат қимматли қоғозлари, кассадаги нақд пул ва ҳоказо) ўртасида тақсимланади.



1-расм. Умумий фонд маблағлари модели ёрдамида активларни бошқариш¹.

¹ Абдуллаева Ш.З. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. Т.: “Молия-иктисод”, 2007 й. 172 бет.

Умумий фонд маблағлари методида маълум актив операцияни амалга оширишда маблағлар қайси манбадан келиб тушганлиги аҳамият касб этмайди.

Ресурсларнинг жойлаштирилиши банк ўз олдига қўйган мақсадларга эришишга ёрдам бериши талаб этилади. Бу метод схематик равишда 1-расмда кўрсатилган. Бу метод банк бошқарувидан ликвидлик ва даромадлилик принципларини тенг амал қилишини талаб этади. Шунинг учун маблағлар шу принципга мос келадиган актив операциялар турларига жойлаштирилади.

Активларни бошқаришда ушбу усулни амалга ошириш учун қуйидаги босқичлардан ўтиш даркор:

Биринчиси, маблағларнинг тақсимланиш тузилишини аниқлашда уларнинг улушини белгилаш, бу улуш бирламчи резерв сифатида ташкил қилинади. Бирламчи резервларга балансдаги нақд ва унга тенглаштирилган пуллар ҳамда уларнинг қолдиқлари киради. Бирламчи резервлар тижорат банки ликвидлигининг асосий манбаси ҳисобланади. Чунки айнан ушбу манбадан тижорат банклари кунлик ҳисоб-китобларида фойдаланади.


Иккинчиси, иккиламчи резервларни тузиш масаласидир. Тижорат банклари активларни жойлаштираётганда “нокассавий” ликвид активларни тузади. Бундай резервлар юқори ликвидликка эга бўлади. Чунки уларни қисқа муддат ичида нақд пулга айлантириш имконияти пайдо бўлади. Иккиламчи резервларни тузишдан мақсад бирламчи резервларни тўлдириш манбаси ҳисобланади. Иккиламчи резервларга қимматли қоғозлар портфели, айрим ҳолларда ссуда ҳисобварағидаги маблағлар киради.

Учинчи босқич, кредит портфелини тузишдир. Банк бирламчи ва иккиламчи резервларни тузиб бўлгандан кейин у ўз миқдорларига ссудаларни бериши мумкин. Банк активлари ичида ссудалар асосий ўринни эгаллайди.

Тўртинчи босқичда, маблағлар тақсимлаб бўлингандан кейин, қимматли қоғозлар портфели таркиби аниқланади.

Бу методнинг камчилиги шундаки, ушбу методда ресурсларни активларга жойлаштиришнинг аниқ мезонлари ўрнатилмаган. Талаб қилиб олингунча депозитларга, жамғарма депозитларга, муддатли депозитларга ҳамда асосий капиталга нисбатан ликвидлик талаблари ҳисобга олинмайди. Бунинг оқибатида тижорат банкларининг фойдаси йилдан йилга камайиб кетиши мумкин.

1. Активларни тақсимлаш методи. Бу метод биринчи методнинг баъзи камчиликларини бартараф этиш билан боғлиқ. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, умумий фонд маблағлари позициясидан маблағларни жойлаштиришда ҳаддан зиёд диққат ликвидликка берилиб, талаб қилингунча қўйилмалар ва асосий капитал бўйича ликвидликка бўлган талаб ҳисобга олинмайди. Активларни тақсимлаш методи умумий фонд маблағлари методи камчилигини енгиш имконини берди.



2-расм. Активларни тақсимлаш модели ёрдамида активларни бошқариш¹.

¹ Абдуллаева Ш.З. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. Т.: “Молия-иктисод”, 2007 й. 173 бет.

Бу метод банкка зарур бўлган ликвид маблағлар миқдори фондларни жалб қилиш манбаларига боғлиқлигини белгилаб берди. Схематик равишда бу 2-расмда кўрсатилган.

Активларни тақсимлаш усулига кўра, тижорат банкига зарур бўлган ликвид маблағлар ресурслар жалб қилишнинг манбаларига боғлиқдир. Бу усулда ҳар бир депозит тури бўйича алоҳида резервларни ташкил қилиш назарда тутилади. Ушбу усулнинг энг асосий афзаллиги шундаки, ушбу усулни қўллаш ликвид активларнинг камайишига олиб келади. Бу эса фойда меъёрини оширади. Фойда меъёрининг ошиши айнан ортиқча ликвид маблағларни ишлатишдан келиб чиқади. Умуман олганда, юқоридаги икки усул минимал ликвидлик даражасига таянмасдан, ўртача ликвидлик даражасига таянади. Бу эса иккала усул учун камчилик ҳисобланади.

Кўриб чиқилган икки метод актив ва пасивлар турли моддалари ўртасидаги боғлиқликни анализ қилиш илмий бошқаришнинг содда усулларига тўғри келади.

2. Илмий метод, шунингдек ЭХМни қўллаш билан боғлиқ бўлган метод. Бу метод нисбатан мураккаб математик методлар ва ЭХМ орқали бошқариш муаммоларига ёндашишни касб этади. Ушбу усул орқали актив операцияларни амалга оширишда математик модел усулларидан фойдаланилади. Илмий бошқариш методи уч хил саволга жавоб беришни назарда тутаяди: “муаммонинг моҳияти нимада?”, “муаммо ечимининг вариантлари қандай?”, “қайси вариант энг яхши ҳисобланади?”. Ушбу саволларга жавоб беришда ЭХМлардан кенг фойдаланилади.

Активлар ва пасивларни бошқаришда банк активлари ликвидлиги масаласини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади. Банклар самарали фаолият юритиши ва уларнинг ишончилигини таъминлашга эришиш учун банкларнинг ликвидлигини қай даражада эканлигини аниқлаш жуда муҳимдир. Ликвидлик банк фаолиятини тавсифлайдиган асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб, у банк томонидан мажбуриятлар ўз вақтида

бажарилиши ҳамда активлар ўсишини таъминлаш билан бирга, депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг самарали бошқарувини билдиради.

Ҳозирги кунда банк ликвидлигини бошқаришнинг 4 та асосий назарияси фарқланади. Улар қуйидагилардир:

1. Тижорат ссудалари назарияси.
2. Жойдан-жойга (активларни) кўчириш назарияси.
3. Кутиладиган даромад назарияси.
4. Пассивларни бошқариш назарияси.

Биринчи учта назария бевосита банк активларини бошқариш назарияси билан боғлиқ. Банк амалиётида юқоридаги назарияларнинг барчаси қўлланилади, лекин турли банклар улардан турлича фойдаланади ҳамда қайсидир бирига фаолияти давомида кўпроқ эътибор қаратади.

Дастлаб банк ликвидлиги 2 та назарий ёндашувни ўз ичига олар эди:

- Банк активлари таркиби суммаси, муддати, банк пассивлари таркиби суммаси ва муддатларига мос келиши шарт. Бу эса амалий жиҳатдан тижорат банклари ўз ликвидлигини бошқариш бўйича фаол сиёсат юритишга йўл бермас эди. Ушбу берилган назарий асослар натижасида банкнинг "олтин қоида"си юзага келиб чиқди, яъни банк молиявий талаблари ҳажми ва муддати банк мажбуриятлари ҳажми ва муддатларига мос келиши шарт;

- Банк баланс актив ва пассивлар таркиби реал мос келмаслигига асосланган, хатто энг қудратли, молиявий барқарор тижорат банклари ҳам банкротлик, молиявий ва иқтисодий инқирозлардан ва бошқа можаролардан суғурталанмаган. Бу режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтган давлатларга айниқса хос саналади.

Юқоридагилардан банклар ликвидлигига уларнинг актив ва пассивларини бошқариш орқали эришилади, деган хулосага келишимиз мумкин. Банк ишининг эволюцион тарзда ривожланиши натижасида иккинчи ёндашувга асосан актив ва пассивларни бошқариш назариялари юзага келиб, ривожланди.

Тижорат ссудалари назарияси. Бу назариянинг вакиллари тижорат банклари ликвидлиги унинг активларини қисқа муддатли ссудаларга жойлаштирилган пайтда сақланишини таъкидлайди. Бунда ссудаларнинг қисқа муддатлилиги, айланиш тезлиги, даромадлилиги инобатга олинган. Бошқача қилиб айтганда, банklar товарлар ҳаракати ишлаб чиқаришдан уни истёмолгача бўлган босқичларни молиялаштиришни кўзда тутди.

Ушбу назариянинг камчилик томони шундаки, ривожланаётган иқтисодиётнинг кредитларга бўлган талаби ҳисобга олинмаган. Назарияга қаттиқ амал қилиш банklarга корхонани кенгайтиришни рағбатлантириш, асбоб-ускуна, уй-жой сотиб олишга (молиялаштиришга) йўл қўймас эди. Ушбу турдаги талабларни бажара олмаслик натижасида рақобатлашадиган молия институтлари: махсус фондлар, кредит уюшмалари ва бошқаларни юзага келишига олиб келди.

Назариянинг яна бир камчилиги қисқа муддатли тижорат ссудаси иқтисодиёт нормал ҳолатда бўлсагина банklar ликвидлигини таъминлайди, бироқ иқтисодиёт инқироzi вақтида ликвидликни бошқариш бир қанча қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Жойдан-жойга (активларни) кўчириш назарияси. Бу назарияга асосан банк активларини бошқа активларга кўчира олиши ёки уларни бошқа кредиторларга ҳамда инвесторларга сота олиши билан ўз ликвидлигини таъминлаши мумкин. Агар товарлар билан таъминланган ссудалар ўз вақтида қайтмаса, у ҳолда банк бозорда уларни сотиши мумкин, агар ссуда маблағларига муҳтожлик сезилса, банklar Марказий банкдан қайта молияланиши ёки банklarаро кредит ресурслари бозоридан ресурс сотиб олиши мумкин. Демак, ҳар қандай талабни амалга ошириш учун тижорат банклари ҳар доим ликвид активларга эга бўлиши керак. Чунки буларни истаган вақтда сотиш мумкин. Шубҳасиз, банк мавжуд активларини эркин сота олса ва ўзининг олдидаги мажбуриятларини бажарса, банк ликвид ҳисобланади. Энг яхши ликвид манба узоқ вақтлар осон сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобланар эди. Ушбу қимматли

қоғозларни истаган вақтда осон сотиш мумкин, шунинг учун уларга, одатда, иккинчи даражали захиралар сифатида қаралади. Йўқотишларсиз ва ушланишларсиз алмашадиган иккинчи даражали захиралар қуйидаги жиҳатларга жавоб бериши керак:

- юқори сифат;
- қайтаришнинг қисқа муддати;
- бозорда осон сотилиши;
- рисклардан хоилиги.

Жойдан-жойга кўчириш назариясидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ликвидлигини бошқаришда кенг фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Кутилаётган даромадлар назарияси. Ҳар бир иқтисодий субъект ўз тахминлари асосида ҳар бир қабул қилинган қарорга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда бўлиб, бу қарорларнинг бажарилишида кечикишлар прогнозлар муддатининг чўзилишига таъсир қилади.

Бу назарий қараш таъсирида кредитлар бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларнинг қайтиши, аввало, мижозлар томонидан кутилаётган даромад даражасига ҳам миқдор, ҳам вақт нуқтаи назаридан мос келиши ва ўзаро боғланиши амалга татбиқ қилинди. Банклар кредитларни диверсификация қилиш жараёнида шу хусусиятни ҳисобга олиши лозим эди. Бу эса келажакда кутилаётган ликвидлик муаммосининг олдини олишга имкон берарди.

Бу назарияга кўра банк ликвидлигини кредитларни қайтаришда тўловлар графигига, келажакда қарз олувчининг оладиган даромадини қўйган ҳолда режалаштирса бўлади. Бу назария юқоридаги назарияларни рад этмайди. У шунини таъкидлайдики, қарз олувчилар даромадлари кредитларни қайтариш билан тавсифланади. Ушбу назарияга кўра банк ликвидлигига кредитларни ва инвестицияларни қайтариш муддатларини ўзгартириш йўли билан таъсир этиши мумкин.

Қисқа муддатли кредитлар, узоқ муддатли кредитларга қараганда ликвидроқ, истеъмол кредити эса ипотека кредитидан ликвидроқдир.

Назария баъзи кредит турларини ривожланишини ва тез усишини тан олади, ҳозирги вақтда тижорат банклари кредит порфелида ҳар хил турдаги кредитлар шаклланмоқда. Бу кредитлар битта умумий ликвидликни ошириш, яъни қисқа вақтларда кредитларни қайтариш натижасида келиб чиқади.

Кутиладиган даромад назариясига кўра кўплаб банклар инвестиция сиёсатини шундай юритиши талаб қилинадики, уларнинг қайтариш муддатлари занжири узилмаслиги керак, яъни доимий тушумлар бўлиб туриши керак ва бунинг натижасида мижозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажаришни режалаштириш имкони пайдо бўлди.

Чунончи, кутиладиган даромадлар назарияси мамлакатимиз банк тизимида кенг қўлланилмоқда. Чунки банклар берилган кредитларини қайтариш графиги асосида маблағлар ҳаракатини, яъни қайси санада кредит фоизлари қайтиши ва улар ҳисобига мижозлар мажбуриятларини бажариш имкониятларини аниқлайди, таҳлил этади ва амалга оширади.

Пассивларни бошқариш назарияси. 1960-70 йиллардан бошлаб банк ликвидлигини бошқариш борасида "пассивларни бошқариш" назарияси пайдо бўлди ва банк ликвидлик муаммосини ечиш борасида ўз пассивларига, яъни мажбуриятларига эътибор қарата бошлади. Бу назариянинг пайдо бўлишига иқтисодиётда фонд ва пул бозорининг шаклланиши ҳамда икки поғонали банк тизимининг тўла шаклланиши билан банк маблағлари бозорининг ривожланиши туртки бўлди. Бу назарий фикрга таянган ҳолда банклар ўз ликвидлигини пул бозори ва сармоя бозоридан қарз олиш, яъни маблағлар жалб қилиш орқали бошқара бошлашди. Бу асосан Марказий банкдан маблағлар сотиб олиш, депозит сертификатлари, қисқа муддатли тижорат векселлар ва евродоллар каби қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш шаклида амалга оширилди.

Бу усулнинг банкларга фойдали томони : *биринчидан*, даромад нуқтаи назаридан - банклар сотиб олинган маблағларга барча учун ягона имтиёз бўлган бозор фоиз даражасида тўловлар амалга оширишга муваффақ бўлишган бўлса, *иккинчидан*, миқдор нуқтаи назаридан - фундаментал, доимий жамғармалар юзага келиб, бу маблағлар банк балансининг ҳам активида ҳам пассивида банк ликвидлигини дастаклай бошлади. Банклар ресурсларни сотиб олиб, уларнинг фоиз ставкалари ўртасидаги фойдали фарқдан келиб чиққан ҳолда жойлаштиради ва шу сабабли спредни бошқариш анъанавий банк амалиётига айланди.

Ушбу назария ҳимоячилари банк ликвидлиги муаммосини бозордан қўшимча маблағлар жалб қилиш йўли билан эришиш мумкин деб таъкидлайдилар. Бошида бу назарияни фақат йирик банклар маъқуллаган эди, лекин кейинроқ бу назария барча банклар томонидан тан олинди.

Пассивларни бошқариш назарияси орқали тижорат банклари ликвидлигини бошқариш қуйидаги икки исботга асосланади:

1. Тижорат банклари қўшимча маблағларни капитал бозорларидан жалб қилиш йўли орқали ликвидликка эришиши мумкин.

2. Тижорат банклари Марказий банк, бошқа банклардан олинган пул маблағлари ҳисобига ликвидлигини таъминлаши мумкин.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар банк тизимида асосан "банк пассивларини бошқариш" назарияси орқали ўз ликвидлигини таъминлайди. Ўзбекистан банклари амалиётида ушбу назариядан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки ресурслар етишмовчилиги ҳолатида банклар банклараро кредит ресурслари бозоридан уларни жалб қилади, ортиқча бўлганда эса банклараро депозитларга жойлаштиради.

Демак, банклар актив ва пассивларини бошқариш назариялари вужудга келиши орқали амалиётда улардан турли даврларда банклар кенг фойдаланган ва ҳозирда ҳам фойдаланиб келмоқда.

1.2. Ўзбекистон Республикаси банклари актив ва пассивлари таркиби ҳамда динамикаси.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти туғрисида»ги қонунида "Банкларнинг ўз мижозлари олдидagi жавобгарлиги" 39-моддасида қайд этилган бўлиб, унга асосан банклар депозит қилар эканлар, уларни сақлаш, мижозлар топшириғига мувофиқ уларнинг биринчи талабига асосан тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олишига жамоатчиликни ишончи банк томонидан янги депозитларни жалб қилишга имкон берувчи банкнинг активи ҳисобланади. Ликвидлик хавфи депозит институтлари дуч келадиган асосий хавфлардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ликвидлик ҳолатини самарали кузатишга ҳамда фавқулотда ҳолатлар учун амалий ҳаракат режасини ишлаб чиқишга қобилиятсизлик аксарият ҳолларда банкларни ликвидлик кризисига, ҳатто банкротликка олиб келади. Ликвидлик паст бўлган воситаларга узоқ муддатларга қўйилган маблағлар ҳисобидан қисқа муддатли ликвидликка бўлган эҳтиёжларни қондириш ва юқори фойда олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш банкни бошқаришнинг асосий компоненти ҳисобланади ва бошқарув органларининг самарадорлиги ҳамда банк бошқарувининг малакаси юқори эканлигидан далолат беради. Барча талабларни бажарган тартибда ҳам тўловларни ўз вақтида ўтказмаслик ликвидликка бўлган талабни қўпол равишда бузганлик ҳисобланади.

Банк раҳбарияти ликвидликни режалаштириши зарур чунки, банкнинг қисқа муддатли мажбуриятларини бажаришда уларни қайтариб бериш, ва тўлашга етарли даражада нақд пул ва қисқа муддатли активларга эга бўлиши талаб этилади.

Етарли ликвидликни таъминлаш зарурияти фойда олишга бўлган интилишини мувозанатда сақлаб туриши лозим.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар охирги ўн йил

мобайнида банклар жами капиталини 9 баробардан ортиқ зиёдга, охириги уч йилда 2 баробардан ортиқ ўсишини таъминлади. 2012 йилда эса банк тизими умумий капитали ҳажми 24,3 фоизга ошди.

Нактижада банк тизими фаоилиятининг барқарорлик кўрсаткичлари халқаро стандартлар талаблари асосида белгиланган меъёрлар бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этмоқда.

Жумладан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир.

2012 йилда республика банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора – тадбирлар Дастури” ҳамда республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди.


2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада 29 та тижорат банки фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 3 таси давлат-тижорат банки, 13 таси акциядорлик тижорат банки, 9 таси хусусий банк ва 4 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Республикада фаолият юритаётган барча банк муассасалари сони 9 551 тага етди, жумладан, банкларнинг филиаллари 829 тани ташкил этди.

2012 йил давомида банк тизимида амалга оширилган ислохотлар доирасида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича аниқ белгиланган чора-тадбирлар давом эттирилди.

Акциядорлик – тижорат банклари томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида 2012 йил давомида 500 млрд. сўмлик қўшимча акциялар чиқарилди.

Натижада тижорат банкларининг жами капитали 2012 йилда 24,3 фоизга ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига 6,2 трлн. сўмни ташкил этди.




3-расм. Жами банк капитали динамикаси¹.

Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Натижада банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2012 йил бошига нисбатан 31,5 фоизга ортди. Жумладан, аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми 34,6 фоизга ўсди.


Республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда хўжалик субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бунда эса молиявий маблағларнинг муҳим манбаси сифатида банк активлари муҳим ўрин тутди.

¹ Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.



4-расм. Тижорат банкларидаги жами депозитлар ва аҳоли омонатлари қолдиғи динамикаси¹.

Тижорат банкларининг жами активлари йил давомида 30,2 фоига ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 35,7 трлн. сўмга тенг бўлган. Буни қуйидаги диаграммада ҳам кўришимиз мумкин.




5-расм. Тижорат банклари жами активлари қолдиғининг динамикаси².

Банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2012 йил давомида 30,5 фоизга ўсиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра 20,4 трлн. сўмни ташкил этди. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар 01.01.2013 йил ҳолатига кўра жами банк сектори активларининг 57,05 фоизини ташкил қилган. Бу кўрсаткич жаҳон амалиётига кўра 60 фоиздан юқори бўлса нормал ҳолат деб баҳоланади. Тижорат банклари томонидан

¹ Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.


² Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.

ажратилган кредит қўйилмаларининг қолдиғини қуйидаги диаграммада кўришимиз мумкин.



6- расм. Тижорат банклари кредит қўйилмалари динамикаси¹.

2012 йил давомида тижорат Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан ажрвтилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб – қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.



7-расм. 01.01.2013 йил ҳолатига тижорат банклари кредит портфели таркиби (млрд.сўм)².

¹ Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.

² Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.

Банкларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 76,8 фоизни ташкил қилиб, 2011 йилдагига нисбатан 30,7 фоизга ошган.

Яратилган қулай инвестициявий муҳит, жумладан, банкларнинг кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиғи ставкаларининг жорий этилганлиги тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

2012 йилда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 5 760 млрд. сўм ёки 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баробарга кўп инвестиция кредитлари ажратилган.

Ўз навбатида, республикамиз банк тизими фаолиятининг ижобий натижалари жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, Халқаро Валюта фондининг 2012 йил 28 ноябрь – 7 декабрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган миссияси ўз баённомасида қуйидагиларни қайд этди: “Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларга эришишни давом эттирмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб тижорат банклари капиталининг етарлилик кўрсаткичи юқори даражада сақланмоқда. Барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз жалб қилишдаги эҳтиёткорона ёндашув мамлакатни жаҳон инқирозининг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди”¹.

Ўзбекистон банклари активларининг йилдан йилга ўсиб, сифат жиҳадитан яхшиланиб бораётганлигини банк-молия тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан изоҳлаш мумкин.

¹ Муллажонов. Ф. “Ўзбекистон банк тизими: Барқарор ривожланиш, Халқаро мезонларга эришиш йўлида”, Бозор, пул ва кредит журнали. 01/2013 (188), 4-бет.

1.3. Банк актив ва пассивларини бошқаришнинг халқаро амалиёти.

Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш назарияларини атрофлича ўрганиб хулоса қилиш мумкинки, барча назариялар асосан хорижий давлатларда банклар амалиётида вужудга келган.

Тижорат банки актив ва пассивлари структураси унинг даромад ва харажатларини олдиндан белгилаб беради ва бу билан унинг ривожланишини ҳам кўрсатади. Актив ва пассивларни бошқаришни иқтисодий самарадорликни таъминлашга ёки банкнинг бошқа мақсадларига йўналтирилган даврий комплекс чора-тадбирлар мажмуи дейиш мумкин. Ўз навбатида, бу бошқарув даври учта фазани ўз ичига қамраб олади. Улар: режалаштириш (банк стратегиясини ишлаб чиқиш, бизнес режани ишлаб чиқиш, жорий режалаштириш), амалга ошириш (ҳар кунлик молиявий ва кредит хизматларини кўрсатиш) ва назорат (мавжуд рискларни мониторинг қилиш ва банк молиявий ҳолатини таҳлил қилиш).

Банкни самарали бошқарилиши актив ва пассивларни бошқариш стратегиясини тўғри белгиланишига боғлиқ. Ҳозирги вақтда бир қанча банклар актив ва пассивларни бошқариш стратегияси махсус қўмиталар хулосаларига кўра ишлаб чиқадилар (масалан, актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси). Бундай қўмиталарнинг фоизларни ўзгариш rischi стратегияси ишлаб чиқишини белгилайди, балки қисқа ва узоқ муддатли режалаштириш, ноликвидлилик riskидан ҳимоялаш чораларини ишлаб чиқиш, берилаётган кредитлар сифатини назорат қилиш, ресурсларни жалб қилиш харажатларини оптималаштириш билан ҳам шуғулланади. Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси фаолияти актив ва пассивларни бошқариш структурасига асосланади.

Тижорат банкларининг пассивларини бошқаришда, халқаро банк амалиётида, «Банк пассивларини бошқариш» назариясидан кенг

фойдаланилади. Мазкур назарияда асосий эътибор тижорат банкларининг депозит базасини яхшилашга қаратилади. Тижорат банкларининг депозит базаси ўзининг таркибига трансакцион депозитларни, муддатли депозитларни ва жамғарма депозитларини олади. Тижорат банклари депозит базасининг сифатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири трансакцион депозитларнинг салмоғи кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун трансакцион депозитларнинг сўммаси депозитларнинг умумий сўммасига бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади. Жаҳон Тиклаш ва Тараққиёт банки экспертларининг фикрига кўра, бу кўрсаткичнинг максимал даражаси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар бу кўрсаткичнинг натижаси 30 фоиздан ошса, у ҳолда банкнинг ресурс базасининг ҳолати ёмонлашаётган ҳисобланади.

Назарий қарашлар ва актив – пассивларнинг оптимал баланслаштирилган структураси асосида қуйидагилар ётади:

Биринчидан, тижорат банки актив ва пассивлари структурасини оптималлаштиришдан мақсад банк дарлмадини ошириш ва харажатларини камайтириш ҳисобланади, яъни:

$$СФД = \sum_i A_{CPi} \cdot D_i - \sum_j П_{CPj} \cdot Z_j \rightarrow \max \quad (1)$$

Бунда: СФД – соф соизли даромад; A_{CPi} ва $П_{CPj}$ - i -гуруҳ активларнинг ўртача қиймати ва j -гуруҳ активларнинг ўртача қиймати; D_i - i -гуруҳ активлардан олинадиган даромад даражаси; Z_j - j -гуруҳ пассивларга тўланадиган харажатлар.

Иккинчидан, тижорат банклари фаолияти рискларни камайтириш учун ишлаб чиқилган нормативлар асосида тартибга солиб борилади. Қуйидаги жадвалда Россия Марказий банки томонидан ўрнатилган нормативлар келтирилган:

Россия Банки томонидан ўрнатилган мажбурий меъёрлар¹.

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларни ҳисоблаш формулалари	Ўрнатилган меъёрлар, %
Юқори ликвидли активлар ва жалб қилинган маблағларнинг ўзаро нисбати кўрсаткичи	$ПЛ1 = (Лам / ПС) \cdot 100\%$	$ПЛ1 \geq 3$
Лаҳзали ликвидлик кўрсаткичи	$ПЛ2 = (Лам / Овм) \cdot 100\%$	$ПЛ2 \geq 15$
Жорий ликвидлик кўрсаткичи	$ПЛ3 = (Лат / Овт) \cdot 100\%$	$ПЛ3 \geq 50$
Жалб қилинган маблағлар структураси кўрсаткичи	$ПЛ4 = (Овм / ПС) \cdot 100\%$	$ПЛ4 \leq 50$
Банклараро ресурслар бозорига боғлиқлик кўрсаткичи	$ПЛ5 = ((ПСбк - СЗбк) / ПС) \cdot 100\%$	$ПЛ5 \leq 27$
Ўз вексел мажбуриятларининг рисклилиқ кўрсаткичи	$ПЛ6 = (Ов / К) \cdot 100\%$	$ПЛ6 \leq 90$
Берилган кредитлар кўрсаткичи (банкдан ташқари)	$ПЛ7 = (СЗнб / ПСнб) \cdot 100\%$	$ПЛ7 \leq 180$
Йирик кредиторлар ва омонатчиларнинг рискка мойиллиқ кўрсаткичи	$ПЛ10 = (Овкк / Лат) \cdot 100\%$	$ПЛ10 \leq 270$
Ўз маблағларининг етарлилиқ кўрсаткичи	$ПК1 = (К / (Авз риск)) \cdot 100\%$	$ПК1 \geq 11$
Умумий капитал етарлилиги кўрсаткичи	$ПК2 = (К / (А риск)) \cdot 100\%$	$ПК2 \geq 6$
Ссудалар сифати кўрсаткичи	$ПА1 = (СЗбн / СЗ) \cdot 100\%$	$ПА1 \leq 20$
Активлар сифати кўрсаткичи	$ПА2 = ((А20 - Р20) / К) \cdot 100\%$	$ПА2 \leq 15$
Муддати ўтган кредитлар салмоғи кўрсаткичи	$ПА3 = (СЗпр / СЗ) \cdot 100\%$	$ПА3 \leq 18$
Кредитлар бўйича йўқотишлар ва бошқа активлар учун қилинган захира нормаси кўрсаткичи	$ПА4 = (РВПСф / СЗ) \cdot 100\%$	$ПА4 \leq 20$
Жами йирик кредитларнинг рисклилиқ кўрсаткичи	$ПА5 = (Кскр / К) \cdot 100\%$	$ПА5 \leq 750$
Акционерларга берилган кредитлар хатари кўрсаткичи	$ПА6 = (Крса / К) \cdot 100\%$	$ПА6 \leq 45$
Банкка дахлдор шахсларга берилган кредит хатарлари кўрсаткичи	$ПА7 = (Крси / К) \cdot 100\%$	$ПА7 \leq 2,7$

¹ Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Бунда: Лам – юқори ликвидли активлар; Лат – 30 кунгача бўлган ликвид активлар; ПС – жалб қилинган маблағлар; Овм – талаб қилиб олингунча мажбуриятлар; Овт – 30 кунгача бўлган мажбуриятлар; ПСбк – банклараро олинган кредитлар ва депозитлар; СЗбк – банклараро берилган кредит ва депозитлар; Ов – банк томонидан чиқарилган векселлар; К – банк капитали; СЗнб – миждозларга берилган кредитлар (банклардан ташқари); ПСНБ – миждозлар маблағларини жалб қилиш кўрсаткичи (банклардан ташқари); Овкк – банкнинг омонатчилар ва кредиторлар олдидаги мажбурияти жами банк мажбуриятларининг 10 % ва ундан юқорисини ташкил қилади; Авз риск – рискка тортилган активлар; А риск – рисклилиқ даражаси юқори бўлган активлар; СЗбн – умидсиз кредитлар; СЗ – жами берилган кредитлар бўйича қарздорлик; А20 – банк 20 % дан кўп резерв шакллантирадиган активлар; Р20- А20 бўйича амлада ташкил қилинган захиралар; СЗпр – тўлов муддати 30 кундан ошган кредитлар миқдори; РВПСф – амалда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши ташкил қилинган захиралар; Кскр – бир ёки бир гуруҳ қарздорларга берилган кредитларнинг умумий суммаси; Крса – банкнинг акционерларга берилган кредитлари; Крси – банкнинг дахлдор шахсларга берилган кредитлари.

Юқоридага жадвалда келтирилган меъёрлар мавжуд чегараларда бўлиб, уларни бажариш ҳар бир банк учун мажбурийдир. Россия банки ҳар ойда тижорат банклари томонидан тақдим этилган ҳисоботлар асосида уларнинг ҳолати бўйича назорат ўрнатади. Мана шу иқтисодий меъёрларга риоя қилинмаса, Россия банки огоҳлантирувчи ёки чеклов чораларни (жарима, айрим операциялар бўйича чекловлар ёки тақиқ ўрнатиш, филиаллар очишни тақиқлаш ва бошқалар) қўллаши мумкин.

Банк актив ва пассивларининг бир-бирига мувофиқлиги.

№	Активлар	Пассивлар
1	Даромад келтирувчи қўйилмалар	Мажбуриятлар
2	Берилган кредитлар, жумладан:	Омонатлар ва депозитлар
3	Юридик шахсларга:	Жисмоний шахсларга
3.1	ЛАМi (Юқори ликвидли активлар)	ОВМi (Талаб қилиб олингунча бўлган мажбуриятлар)
3.2	ЛАТi (Ликвидли активлар – 30 кунгача бўлган)	ОВТi (30 кунгача бўлган мажбуриятлар)
3.3	Лi (Бошқа активлар)	Оi (Бошқа мажбуриятлар)

Мазкур кўрсаткичларга амал қилишни назорат қилиш учун Россия банки томонидан яна бир қанча воситалар назарда тутилган. Ушбу воситаларга: меъёрларни аниқлаш, банкларни Россия банкида мажбурий захирага қатнашиш тартиби ва қайта молиялаш тизими киради. Марказий банк бу воситалар орқали тижорат банклари ликвидлигига билвосита таъсир этади. Россия банкида ҳар бир тижорат банкининг мажбурий захиралар фондига иштироки жалб қилинган ресурслар суммаси ва улар бўйича ўрнатилган фоиз асосида тўловларни қабул қилиш тарзида ҳосил бўлади. Бу мажбурий захира фондидан тижорат банклари ўз ликвидлигини таъминлаш учун фойдаланиши мумкин.

II Боб. Банк актив ва пасивларини бошқаришнинг амалий жихатлари.

2.1. Банк актив ва пасивларини самарали бошқариш орқали банк ликвидлигини ҳамда даромадлилик даражасини оптималлаштириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари учун асосий муаммолардан бири банкнинг ликвидлиги ва даромадлилигининг энг мақбул даражасини анилаш бўлиб ҳисобланади. Унга эришиш учун банк активларини самарали бошқариш катта аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари операцияларини шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўз капиталини шакллантириш ва маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ пасив операциялар;
- фойда олиш мақсадида ўз ва жалб қилинган маблағларни жойлаштириш билан боғлиқ актив операциялар;
- коммиссион-воситачилик ва ишонч операциялар.

Банклар актив операцияларни амалга ошириш чоғида белгиланган ликвидлилик меъёрларига амал қилишлари ва айрим турдаги активлар бўйича таваккалчиликларнинг мақсадга мувофиқ тақсимланишини таъминлашлари лозим бўлади.

Банкнинг актив операциялари таҳлили даромадлилик, риск даражаси, ликвидлилик нуқтаи назаридан амалга оширилиши керак. Банк тараққиёти манбаларидан маълумки, банк активлари даромадлилиги ва ликвидлилиги бир-бирига қарама-қарши. Банк ликвидлилиги ва унинг даромадлилиги ўртасидаги алоқадорлик таҳлили ликвидлилик аҳамиятининг устунлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Бу мезоннинг устунлигини ҳисобга олиш натижаси кўрсатилган қарама – қаршилиқни мувофиқлаштиришга ва банк фаолиятининг асосий мақсади бўлган фойда олишга эришишга олиб келади.

Банкнинг фаолиятида активларнинг тутган ролини яна ҳам мукамалроқ ўрганиш учун қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш муҳимдир:

- ташкилотлар, корхоналар, жисмоний шахслар ва банкларга берилган кредитлар бўйича умумий кредит суммасини ҳисоблаш;
- берилган кредитларни уларнинг муддатлари, тармоқларга берилиши ва уларнинг умумий қарздаги салмоғини аниқлаш;
- ссудаларнинг ўртача фоиз ставкаларини ҳисоблаш ва кредит баҳосининг ўртача даражасини аниқлаш;
- умумий ссудаларнинг ичида муддати ўтган қарзларнинг салмоғини ҳисоблаш.
- банк тамонидан берилган йирик кредитларнинг ҳажмини аниқлаш;
- берилган турли даражадаги кредитларнинг Марказий банк йўриқномаларига жавоб беришини ҳисоблаш;

Булардан ташқари яна ҳам қуйидаги коэффицентлар борки, буларни ҳам ҳисоблаш фойдадан ҳоли бўлмайди:

1. Активлардан фойдаланиш самарадорлиги. Буни қуйидагича аниқлаймиз.

$$\text{Активлардан фойдаланиш самарадорлиги} = \frac{\text{Даромад келтирувчи активларнинг ўртача миқдори}}{\text{Брутто активлар}}$$

Бу коэффицент активларнинг қанча қисми ишлашини ва даромад келтиришини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич 70-80 фоиз атрофида бўлиши тавсия этилади. Чунки ушбу кўрсаткичнинг жуда юқори бўлиши банклар фаолиятида риск даражасининг ошишига олиб келади.

2. Кредит беришда депозит маблағларидан фойдаланиш коэффиценти.

$$\frac{\text{Кредит беришда депозит маблағларидан фойдаланиш коэффиценти}}{1} = \frac{\text{Кредитларнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Брутто депозитлар}}$$

Тижорат банкининг жалб қилинган депозитларидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткич қанча юқори натижага эга бўлса, банк жалб қилинган депозитларидан самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади.

3. Тижорат банклари кредитларининг банк жами активларидаги улуши.

$$\frac{\text{Тижорат банклари кредитларининг банк жами активларидаги улуши}}{1} = \frac{\text{Кредитларнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Брутто активлар}}$$

Ушбу кўрсаткич тижорат банк активларининг қанча қисми кредитлардан иборат эканлигини кўрсатади ва халқаро амалиёт тавсиясига кўра 60 фоиздан юқори бўлиши лозим. Бу эса банкнинг асосий даромадлари кредитлардан олиниши билан изоҳланади.

Ушбу кўрсаткичлар банкнинг кредит сиёсати самарадорлигини, банкнинг активларининг мақсадга мувофиқ тузилишини кўрсатади, уларнинг рисклилик даражасини ва банкнинг ликвидлигига, даромадлигига, рентабеллигига таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги кунда банклар учун активларни бошқариш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай банк, молиявий бозорнинг юқори даражада ривожланиши билан иқтисодий барқарорлик шароитида маълум жиддий қийинчиликларни енгиб ўтиши керак. Лекин, инфлятсия даражаси юқори бўлган пайтда ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу ташқи омиллар тижорат банклари молиявий аҳволига таъсир қилиб, банк активларини бошқариш масаласини биринчи даражага қўймоқда.

Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш, ўз олдига баланс ликвидлигига риоя қилган ҳолда, банк фодалилигини таъминлаш сингари икки мақсадни қўйади.

Молиявий жиҳатдан активларни бошқаришнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Банк ликвидлигини ошириш;
- Банк даромадини ошириш;
- Таваккалчиликларни камайтириш.

Бундан келиб чиққан ҳолда, банкнинг активларини уларнинг даромадлилиги, таваккалчилик даражаси ва ликвидлигини эътиборга олган ҳолда шакллантириш лозим.

Банк фаолиятининг ривожланишидан маълумки, банк активлари даромадлилиги ва ликвидлиги бир-бирига қарама қарши кўрсаткичлардир. Ликвид активлар ва пасивлар мувозанатланганлиги, банкнинг жойлаштирилган активлари ва жалб қилинган ресурслари муддатлари мувофиқлиги даражасига кўра белгиланади. Активларни қайтариш ва мажбурият ўртасидаги муддат номувофиқлиги ликвидлилик таваккалчилигининг асосий манбасидир. Ликвидлилик – банкнинг ташқи баҳолаш мезони бўлса, унинг даромадлилиги ички баҳолаш мезонидир. Улар ўртасидаги алоқадорлик таҳлили банкнинг ликвидлиги аҳамиятининг устунлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Банк ликвидлиги муомаладан чиқарилган депозитлар ҳажмини, активларни қайтариш ва мажбуриятларни бажариш муддатидаги фарқларни, пул бозоридаги тебранишларни ва режалаштирилмаган харажатларни қоплаши керак.

Банк ликвидлигини бошқариш концепсияси асосида актив ва пасивларнинг муддати, миқдори ва таваккалчиликлари бўйича бошқариш тамойили ётади. Бу билан банкнинг ўртача ликвидлиги таъминланган ҳолда, унинг кредиторлари олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш учун тўлиқ имкон яратилади.

Банк баланси ликвидлилигига унинг активлари таркиби таъсир қилади. Яъни жами активлар ичида биринчи даражали ликвид активларнинг ҳиссаси кўп бўлиши банкнинг юқори ликвидга эглигидан далолат беради.

Ликвид активлар қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- Банк активлари тез пулга айланиши учун улар ўз бозорига эга бўлиши керак;
- Етарли даражада барқарор нархга эга бўлиши, яъни бозор барча сотилаётган активлар нархларини сезиларсиз даражада пасайтирган ҳолда қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим;
- Активлар қайтадиган бўлиши, яъни сотувчи дастлабки инвестицияларни йўқотишларсиз ёки минимал таваккалчилик билан коплай олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Банк ликвидлилиги актив операцияларнинг таваккалчилик даражасига боғлиқ бўлади. Яъни, банк балансида юқори юқори таваккалчиликли активлар ҳиссаси қанча кўп бўлса, талаб қилинадиган ликвидлилик шунча паст бўлади. Банк томонидан бошқа муассасалардан ва аҳолидан олинган депозит ва қарзларнинг ишончлилиги ҳам унинг ликвидлилигига таъсир қилади.

Банкнинг ликвидли маблағларга бўлган эҳтиёжини бозордаги талаб ва таклиф нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш мумкин. Банкда ликвидли маблағларга бўлган талаб қуйидаги иккита сабаб бўйича вужудга келади:

- Мижозларнинг ўз ҳисобварақларидан маблағларини олишлари натижасида;
- Мижозлар томонидан кредит олиш учун буюртманомалар келиб тушиши сабабли вужудга келади.

Ликвид маблағларга бўлган талабнинг вужудга келишига яна бир сабаб, банкнинг бошқа кредиторлардан (бошқа банкдан ёки марказий банк) олган қарзларини қайтариш билан боғлиқ. Солиқларни ва акциядорларга

дивидентларни тўлаш ҳам юқори ликвидли активларга бўлган талабни ўсишига олиб келади. Банк ликвид маблағларга бўлган талабни қондириш учун барча салоҳиятли таклиф манбаларини жалб қилади, яъни асосий эътиборни аҳоли ва жисмоний шахсларнинг маблағларини депозитларга жалб қилишга қаратади.

Ликвид маблағларга бўлган умумий талаб унинг умумий таклифидан ошиб кетса, банк ликвид маблағлар тақчиллигига тайёр туриши ва қанча миқдорда, қанча муддатга қўшимча ликвид маблағлар олиш масаласини ҳал қилиши зарур. Ўз навбатида, жами таклиф жами талабдан ошиб кетса, банк раҳбарияти ликвид маблағларининг ортиқчалигига тайёр бўлиши ва ушбу маблағларга бўлган талабни қоплаш учун зарур бўлгунга қадар қасрга, қанча муддатга маблағ йўналтириш масаласини ҳал қилиши керак бўлади.

Банкнинг ликвид маблағларга бўлган талабини режалаштиришдаги биринчи вазифаси нақд пул маблағларини бошқариш ҳисобланади, яъни миждозлар талабини қондириш учун етарли даражада нақд пул захираларини таъминлашдан иборатдир. Лекин нақд пуллар банкка даромад келтирмайди, ўз навбатида, банк раҳбарияти нақд пулни минимал даражада ушлаб туриши керак бўлади. Бу вазифани амалга ошириш банкнинг пул муомаласи билан шуғулланувчи бўлим зиммасига тушади, яъни ушбу бўлим нақд пулнинг зарурий минимал даражасини аниқлаб, ликвидлиликини бошқариш бўйича амалий ишларни амалга ошириш учун тавсияларни банк раҳбариятига тақдим қилади.

Банк активлари, муддатлари бўйича, унинг пассивлари таркибига тўғри келиши керак. Лекин банк бозор муносабатларининг барқарор бўлмаслиги хатаридан тўла холис эмас. Бу ерда банк раҳбарияти олдида банк операциялари даромадлилигини ликвидлилик чегаралари доирасидан чиқмаган ҳолда таъминлаш муаммоси пайдо бўлади. Лекин ликвидлик чегараси, активлар ва пассивлар муддатига қатъий риоя қилган ҳолда жойлаштирилиши ҳам банк даромадини максимал даражага чиқаришга

айрим ҳолларда ҳалақит беради. Ҳозирги кунда, банк амалиётининг кўрсатишича, талаб қилиб олингунча депозитга қўйилган маблағларнинг бир қисми таркибий характер касб этмоқда, яъни узоқ муддат талаб қилинмасдан сақланмоқда. Бу эса талаб қилиб олингунча ресурсларни узоқ муддатли, юқори даромад келтирувчи активларга жойлаштиришга имкон беради.

Банк активларини хатарлилик даражаларига қараб турли гуруҳларга, яъни таваккалчиликсиз активлардан тортиб, 100 фоиз таваккалчиликли гуруҳларга ажратиш мумкин. Ушбу гуруҳларга ажратиш натижасида, банк активларининг маълум бир қисми таваккалчиликли активлар, яъни таваккалчиликка асосланган активлардан ташкил топади. Таваккалчиликка асосланган активлар миқдорида қараб банк активлари сифатига баҳо бериш мумкин бўлади.

Ҳар бир тижорат банки ўзининг ривожланиш стратегиясидан ва банк фаолиятининг йириклигидан келиб чиққан ҳолда, ликвидлиликни бошқариш стратегияларини эътиборга олиб, ўз фаолиятида қўллаши банкнинг ликвидлигини таъминлаб туради. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, банк ресурслари ликвидлигининг самарадорлигини ошириш учун, албатта, ликвидлиликни бошқаришда актив ва пасивларини шакллантирса, бу мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун, банкнинг активларида даромад келтирувчи ва юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қўғозлар салмоғини ошириб борилиши ва қарз мажбуриятларини ўзига жалб қилган ҳолда пасивларни шакллантирса, банк фаолиятида ликвидлилик, даромадлилик ва таваккалчилик ўртасидаги энг оптимал нисбаини сақлаб туриш имконияти келиб чиқади.

Актив ва пасивларни диверсификация қилиш Банкнинг тўловга лаёқатсизлик хатарини камайтириб, ликвидлиликни бошқариш имконини беради.

2.2. Ўзбекистон банклари амалиётида актив ва пасивларни бошқариш усуллари.

Республикамиз тижорат банкларининг молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан унумли фойдаланишнинг йўллари банк тизимимизнинг барқарорлигини ва ишончлилигини таъминлаб берувчи омил бўлиб ҳисобланади. Ликвидлилиқни таъминлаш нуқтаи назаридан, банклар молиявий ресурсларидан унумли фойдаланишига қарасак, банклар активларининг сифатини аниқлаш учун биринчи навбатда, ўз ликвидлилиги, даромадлилиги ва хатар даражаларини ўрганишлари лозим.

Тижорат банклари ликвидлилиқни, даромадлиқни ва риск даражасини бир меърада ушлаб туриш учун ўзларининг ликвидлилигини бошқариш сиёсатини ишлаб чиқади.

Банк ликвидлилигини бошқариш сиёсати барча миқдорлар, акциядорлар ҳамда бошқа кредиторлар олдида қарз ва бошқа молиявий мажбуриятларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажаришга, банк капиталининг етарлилигини таъминлашга, маблағларни самарали жойлаштиришга, баланс актив ҳамда пасив моддалари бўйича мутаносиблиги ва банк етарли ликвидлилигини таъминлаган ҳолда, режалаштирилган даромадлиқ даражасига эришишга қаратилган бўлади.

Активлар ва мажбуриятларни қайтариш муддатларининг мос келмаслиги ликвидлик хатарининг асосий манбаи ҳисобланади.

Актив ва пасивларни диверсификация қилиш Банкнинг тўловга лаёқатсизлик хатарини камайтириб, ликвидлиқни бошқариш имконини беради.

Диверсификациялаш даражасини аниқлашда, депозитларни геометрик ва тармоқ белгилари бўйича тақсимланиш мезонлари, уларнинг миқдорлари ва турларини жалб этиш муддатлари ҳамда тижорат банклари кредит портфелларини таҳлил қилиш вақтида қўлланиладиган ссудалар таснифига ўхшаш бир қанча бошқа белгилардан келиб чиқиш мақсадга

мувофиқдир. Акс ҳолда, берилган кредит ресурслари билан таъминланмай қолиши мумкин.

Банк ликвидлиги концепцияси асосида ликвидликни бошқаришни баланслаштириш тамойили деб аталувчи муддат, ҳажм ва хавф-хатарлар бўйича актив ва пасивларни бошқариш тамойили ётади.

Банк учун муқобил бўлган чегараларда ликвидлик ва фойдалилик банкка барча кредиторлар олдида бўз мажбуриятларини бажариш имконини беради. Банк ликвидлигини сақлаш уч таркибий тузилма (банк капитали, жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағлар) орасида реал зарурий нисбатларни мунтазам равишда таъминлаб туриш асос бўлади.

Банклар ликвидлигини муддатлилиқ белгиси кура куйидагича талкин қилиш мумкин:

Лаҳзалиқ ликвидлик — тижорат банкларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларидаги маблағларини бир - икки банк иш кунида қайтара олиш қобилиятини курсатади. Банклардан мавжуд талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларни бир вақтда талаб этиш эҳтимоли унча катта эмас. Лекин банк ўз фаолияти давомида турли қийинчиликларга дуч келса, миқдорлар жорий ҳисобварақларидаги маблағларни бирданига талаб қила бошлайдилар. Бундай вақтда банк ушбу маблағларни тезда қайтара олмаслиги муаммосига дуч келади.

Лаҳзалиқ ликвидлик меъёри (ЛЛК) юқори ликвид активларнинг (ЮЛА) талаб қилиб олингунча депозитларга (ТҚД) нисбати орқали аниқланади.

$$ЛЛК = \frac{ЮЛА}{ТҚД} * 100\% \quad (2)$$

Банк жорий ликвидлик меъёрига риоя қилиши лозим.

Жорий ликвидлик - банк ликвид активларини, 30 кунгача муддатли кредитлар бўйича фоизлар ва бошқа тушумлар ҳисобига талаб қилиб олингунча депозитларни, шунингдек, 30 кунлик мажбуриятларни қоплай олиш қобилиятини кўрсатади.

Жорий ликвидлик кўрсаткичи (ЖЛК) жорий ликвид (30 кунгача бўлган муддат чегарасида) активлар (ЖЛА) нинг банк жорий (талаб қилиб олингунча депозитлар ҳамда 30 кунгача бўлган) мажбуриятлари (ЖМ) га нисбати орқали аниқланади.

$$ЖЛК = \frac{ЖЛА}{ЖМ} * 100\% \quad (3)$$

Ҳозирги кунда ушбу меъёр Ўзбекистан Республикаси Марказий банки томонидан мажбурий талаб қилинадиган ягона кўрсаткич ҳисобланади ва унга барча тижорат банклари амал қилиши керак. Унинг минимал талаб миқдори 30%.

Узоқ муддатли ликвидлик — банкнинг бир йилга жойлаштирган депозитлари ва берган кредитлари ҳисобига капитал ҳамда узоқ муддатли банк мажбуриятларини қоплай олиш қобилияти тушунилади. Бунда ликвидликни узоқ муддатларга ҳисоблаш, прогнозлаш, бошқариш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

$$УМЛК = \frac{K_p}{K+M} * 100\% \quad (4)$$

Бу ерда: УМЛК - узоқ муддатли ликвидлик меъёри;

K_p - бир йилга жойлаштирилган депозитлар ва берилган кредитларнинг умумий суммаси;

K - банк капитали суммаси;

M - бир йилдан ошган муддатли мажбуриятлар суммаси.

Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш жараёни банк муассасасининг ҳажмига, унинг активлари таркибига боғлиқ бўлади. Бироқ турли хил операциялар бажарадиган ҳар қандай банк ликвидлигини самарали бошқаришда қарор қабул қилиш учун тезкор маълумотлар, пул маблағларини жалб қилиш йуллари, бўш ресурсларни жойлаштириш муддатлари ва суммаларини таҳлил қилиш талаб этилади. Шу сабабли назорат органлари томонидан тижорат банки ликвидлик ҳолатининг чуқур ва ҳар томонлама таҳлили нафақат уларнинг актив ва пасивлари таркиби,

сифати, шунингдек, ликвидлик ҳолатини бошқаришнинг ички механизмларини ўрганиш асосида ҳам амалга оширилади.

Банкнинг ликвид маблағларга талаби, банк мажбуриятлари таркиби ва салмоғи, шунингдек пул ва ресурслар бозоридаги талаб ва таклиф ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Банкка ликвидли маблағларга кучли талаб эҳтиёжи қуйидаги 2 сабабга кўра:

а) кўп сонли мижозлар томонидан бир вақтнинг ўзида ҳисобварақларидаги маблағларни олиши;

б) мижозлардан кредит ажратиш учун буюртмаларнинг келиб тушуши туфайли вужудга келиши мумкин.

Шунингдек, банк томонидан кредиторлар (Ҳукумат, Марказий банк ёки бошқа банклар)дан олинган қарзлари бўйича қарздорликни сўндириш муносабати билан ҳам ликвид маблағларга қўшимча талаб юзага келиши мумкин.

Банк ликвидлигини сақлаш ҳамда тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида банк операцияларини амалга оширишга доир лимитлар ўрнатилади.

Ликвидли маблағларни, уларга зарурат туғилганда чекланмаган миқдорда ва хоҳлаган пайтда қарзга олиш мумкинлигига ҳамма вақт ҳам ишониб бўлмайди.

Банк ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун захира потенциали сифатида иккинчи даражали юқори ликвидли активларни, хусусан давлат қимматли қоғозларини (ДҚҚ), жалб этади. Биринчи ва иккинчи даражали ликвидли маблағлар манбалари салмоғи валюта "балансининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги керак (ички тизим ҳисобварақлари қолдиқларини қўшмаган ҳолда).

Талаб этилаётган ликвидлик даражасини таъминлаш учун қуйидаги "захира" даражаси белгиланади:

а) ҳар кунлик лаҳзалик талабни қондириш учун - банкнинг пул шаклидаги ликвидли активлари, банкнинг талаб қилиб олингунча мажбуриятларининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак;

б) ҳар кунлик жорий ликвидликни таъминлаш учун – банкнинг сўндирилиш муддати 30 кунгача ва ундан кам бўлган банк куйилмаларини (муддати узайтирилган ва муддати ўтган кредитларни қўшмаган ҳолда) ўз ичига олган ҳолдаги барча ликвидли активларнинг, ижро муддати 30 кунга ва ундан кам бўлган банк мажбуриятларини ўз ичига олган ҳолдаги талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммасига нисбати 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

в) қисқа муддатли истикболдаги ресурсларга талабни қондириш учун – банк 30 кундан 1 йилгача сўндирилиш муддатларига эга активларки, банк капитали ва барча депозит ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлар, яъни 30 кундан 1 йилгача қайтарилиш муддатига олинган кредитлар ва бошқа қарз мажбуриятларига нисбати 100 фоиз мутаносибликда бўлишини кўзда тутади.

Узоқ муддатли ликвидлик миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Марказий банк томонидан активлар миқдорининг ўсишини назорат қилувчи "Лeverаж" меъёрий кўрсаткичи ўрнатилган. Бунда, қуйидаги лимитлар ўрнатилади:

а) ҳисоб-китобларга талаблар узлуксиз қондирилиши учун банк вакиллик ҳисобварағи қолдиғининг, мижозлар ва омонатчилар ҳисобварағларидаги қолдиғига нисбати 30 фоиз даражадаги минимал ликвидликни кўзда тутади. Ликвидлик ва даромадлик ўртасидаги мақсадга мувофиқ мутаносибликни таъминлаш ҳамда ликвидлик бўйича белгиланган меъёрларга риоя қилиш мақсадида банк филиаллари томонидан кредит, факторинг ва лизинг ажратиш каби актив операциялар филиал вакиллик ҳисобварағи қолдиғининг 70 фоизи ҳажми чегарасида амалга оширишга рухсат этилади;

б) Мижозларни нақд пул билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, нақд маблағлар коэффицентини камида 0,02 қилиб белгилаш лозим.

Банк бир қарз олувчи ёки бир гуруҳ ўзаро алоқадор қарз олувчиларга кредитлар ажратишда 1-даражали капиталга нисбатан: таъминланган ссудалар бўйича - 25 фоиз ҳамда таъминланмаган ссудалар бўйича - 5 фоиз миқдорида лимит белгилаш орқали ликвидликни йўқотишни камайтириш чораларини кўради. Худди шу каби чекловлар банкка дахлдор шахслар бўйича операцияларга ҳам тегишлидир.

Барча ажратилган йирик кредитлар суммаси йиғиндиси 1-даражали капитал суммаси миқдоридан энг кўпи билан 8 мартагача бўлишига рухсат этилади. Банкка алоқадор барча шахсларга кредитлар ажратиш бўйича ялпи қарздорлик 1-даражали капиталнинг 100 фоиз миқдори билан чекланади.

Банк молиявий барқарорлигини инобатга олиб, банклараро кредит ва депозитларга қўйилмалар банк 1-даражали капиталининг 20 фоиз миқдори билан чегараланади. Ушбу чеклашлар Ҳукумат қарорлари ва кўрсатмаларига кўра ажратилган банклараро кредит ва депозитларга нисбатан қўлланилмайди.

Банкнинг бир эмитент корпоратив қимматли қоғозига инвестициялари энг кўп миқдори банк 1-даражали капиталининг 15 фоизи билан чекланади, олди-сотди учун қимматли қоғозларга умумий инвестициялар энг юқори миқдори 25фоиз ва барча эмитентларнинг устав капитали ҳамда бошқа қимматли қоғозларига энг кўп инвестициялар умумий миқдори банк 1-даражали капиталининг 50 фоизигача белгиланади, шу жумладан бир акциядорлик жамиятининг устав капиталига қилинадиган инвестиция, мазкур акциядорлик жамияти устав капитали миқдорининг 26 фоизидан ошмаслиги керак.

Кўчмас мулк каби паст ликвидли активлар ўсишини чегаралаш мақсадида уларни сотиб олиш жорий йилнинг соф фойдаси ҳисобидан оралик дивиденд тўловларига йўналтириладиган маблағларни чегириб

ташлагандан сўнг амалга оширилади. Банкнинг барча қўчмас мулкларининг қолдиқ суммаси миқдори, банк 1-даражали капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги зарур.

Банкнинг ликвидли маблағларга эҳтиёжи мамлакат иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда, омонатлар умумий суммаси ва кредитга бўлган талабнинг тебранишига боғлиқ бўлади:

а) депозитлар қўпайиши ёки камайиши муносабати билан маблағларга эга бўлиш ёки уларни йўқотиш;

б) қўйилмаларнинг ўсиши ёки камайиши оқибатида мажбурий заҳиралар ҳажмини ўсиши ёки камайиши.

Банкнинг ликвидлик ҳолатини бошқаришда 2 муҳим йўналишга эътибор бериш зарур:

а) даромад келтирмайдиган маблағларни мавжуд бўлишига йўл қўймаслик, яъни маблағларни керагидан ортиқча бўлишига йўл қўймаслик;

б) банк томонидан жалб қилинган депозитлар бўйича зарур миқдорда мажбурий заҳиралар меъёрини мунтазам равишда ушлаб туришга қаратилган сиёсат.

Ликвид маблағларга эҳтиёжни режалаштиришнинг биринчи вазифаси бўлиб нақд пулларни бошқариш ҳисобланади.

Касса қолдиғи даромад келтирмаганлиги сабабли, банк раҳбариятининг вазифаси, пул муомаласи таркибий тузилишини бошқариш билан белгиланадиган, кассани минимал талаблар даражасида ушлаб туриш ҳисобланади.

Касса бўйича маълумотлар банк раҳбариятига қарор қабул қилиш учун мунтазам равишда тақдим этиб борилади. Шу билан биргаликда, ушбу маълумот активлар ва пассивларни бошқариш бошқармасига ликвидликни бошқариш бўйича ишда фойдаланиш учун тақдим этилади. Ликвидликни самарали бошқариш банк активлари муддатлари бўйича

таркибий тузилиши, унинг пассивлари таркибий тузилишига мутаносиб бўлишига асосланади.

Банк балансининг ликвидлиги, активлар ва пассивлар, ссуда активларининг депозитлар билан нисбати ва ликвидликни характерловчи бошқа нисбатлар акс этган кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ёрдамида ҳар куни баҳоланиши керак.

Депозитлар, айниқса майда омонатчилар қўйилмалари, одатда ресурсларнинг барқарор манбаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг юқори даражада ўсиши (80 фоиздан юқори) ишончилиликни билдиради, барқарорлиги нисбатан пастроқ бўлган манбалар (банклараро бозордаги қисқа муддатли қарзлар) ишончсизликни билдиради. Чунки, муаммолар пайдо бўлиши билан ушбу ресурслар банкни дарҳол тарк этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида янги технологиялар ва телекоммуникация воситалари ривожланиши ҳамда жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жадаллашиши натижасида молия бозоридаги ҳолатлар тез-тез ўзгармоқда. Ушбу ўзгаришлардан банк тизими ҳам мустасно эмас. Сабаби бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари миқдорлари олдида мавжуд мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари, уларнинг ишончили, тўлов қобилиятига эга ва ликвид бўлишини талаб этмоқда. Шунинг учун Марказий банкка тижорат банклари ликвидлигини оператив бошқариш бўйича умумий механизм зарур. Одатда, бундай умумий механизм сифатида ликвидлик ҳолатини бошқаришнинг меъёрлар усули қўлланилади.

Марказий банк ликвидлик меъёрларини ишлаб чиқади, улар банк муассасаларининг актив ва пассив маълумотлари асосида ягона алгоритм билан ҳисобланади ва минимал даражаси белгиланади. Кўрсаткичларнинг белгиланган меъёрларини бажариш тижорат банклари учун мажбурийдир. Уларнинг бажарилиши бўйича текширувлар Марказий банк томонидан вақти-вақти билан банклар ҳисоботлари асосида амалга оширилади.

Тижорат банкларида "олтин қоида" сифатида эътироф этиладиган банк активлари муддати ва суммаси унинг пассивлари муддати ва суммасига мос келиши лозим. Бу эса банкларда ҳар доим ҳам кузатилмайди. Шунинг учун банклар активлар ва пассивлар таркибини доимо таҳлил этиши уларнинг олдида ликвидлик муаммоси юзага келишининг олдини олади.

Республикамиздаги ҳар бир банк бўйича актив ва пассивларни таркибий гуруҳларга бўлиш мумкин. Масалан, вақт мобайнида қисмларга ажратиш мумкин, рискка асосланиб, жамғармаларни кредитларга йуналтириш орқали ликвидликни аниқлик билан бошқариш мумкин. Шундай қилиб, ликвидликни бошқарувчи менежерлар олдида қуйидаги муаммолар мавжуд:

- банкни келгусида банкротликка олиб келмай, юқори ликвидликни сақлаш лозим. Бунда даромад ва фойданинг бир қисми йуқотилиши назарда тутилади;
- банк ликвидлигини таъминлаб, оптимал даромад олишга ҳаракат қилиш лозим;
- ликвидликни зарар етказмайдиган даражада камайтирган ҳолда юқори даромад-фойда олишга тўлиқ ишонч бўлса, амалга ошириш лозим.

Бу каби прогнозлаш ишлари билан тижорат банкларида “Актив ва пассивларни бошқариш” Бошқармаси, банк “Ғазначилик” бошқармалари шуғулланиши лозим ва энг оптимал вариант танланган ҳолда банклар ликвидлигини оператив таъминлаш йўллари ишлаб чиқиши керак.

2.3. ОАТ “Алоқабанк” актив ва пассивлари сифат жиҳатидан таҳлили.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўрсатишича, банк активларини бошқариш, активларнинг самарадорлик даражасини сақлаб туриш, актив операциялар ҳажмини ошириб бориш банкларни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Бундай вазиятда банк активларини тўғри бошқариш орқали банкнинг ресурслар базасини мустаҳкамлаш, актив амалиётларни кўпайтириш асосида банк даромадини ошириш талаб қилинади. Бундан ташқари, молия бозорида банкларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, мижозлар, акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини тўлиқ кафолатлай оладиган банк механизмини шакллантириш кўп жиҳатдан банкларда активлардан самарали фойдаланиш, харажатлар самарадорлигини ошириш каби бир қатор ички имкониятлардан кенг фойдаланишни талаб этади.



8-расм. Ўзбекистон Республикаси ОАТ “Алоқабанк” активлари ҳажмининг ўзгариши динамикаси¹.

6-диаграммадан кўришимиз мумкинки, ОАТ «Алоқабанк»да активлар ҳажмининг кескин ўсиш тенденцияси 2009 йилдан бошлаб кузатилди. Ушбу банкнинг 2012 йилда шаклланган жами активларининг деярли 65% и кредит ва лизинг ҳиссасига тўғри келади. Бу банкнинг юқори


¹ Марказий банк маълумотлари ва ОАТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

инвестиция имкониятига эга бўлган молиявий институтга айланаётганини кўрсатади.

ОАТ “Алоқабанк”нинг активлари Ўзбекистон банк тизими жами активларининг ўртача 1,7 фоизини ташкил этади.

ОАТ “Алоқабанк”нинг жами ресурслари динамикасини 1-иловада келтирилган. 1-иловадан кўришимиз мумкинки, 2012 йил якунларига кўра, банкнинг жами ресурсларининг 83,3 фоизини жалб қилган ресурслар ташкил қилган, банкнинг ўз маблағлари эса 16,7 фоизни эгаллайди.

Активларни бошқаришда асосий эътибор таваккалчиликнинг энг паст даражаси шароитида даромадлар ва харажатлар орасидаги ижобий фарқни мумкин қадар ошириш ёки уни жуда бўлмаганда барқарор даражада сақлаб туришга қаратилиши зарур.



9-расм. ОАТ “Алоқабанк”нинг хусусий капитали динамикаси (млрд.сўм)¹.

ОАТ “Алоқабанк”нинг хусусий капитали йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади, чунки банк капитали қанча юқори бўлса, банк учун шунча имкониятлар кўпаяди. Маълумки, Марказий банк томонидан ўрнатилган барча меъёрий кўрсаткичлар банк

¹ ОАТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

капиталига нисбатан белгиланади. Масалан, Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларнинг баъзиларини кўриб чиқсак:

а) бир қарздорга берилган таъминланган кредитлар бўйича юқори таваккалчилиги 1-даражали банк капиталининг 25% миқдоридан;


б) бир қарздорга берилган таъминланмаган кредитлар бўйича (ишончли кредитлар) юқори таваккалчилиги 1-даражали банк капиталининг 5% миқдоридан;

в) қарздорлар гуруҳи, бир-бири билан боғлиқ ва банкка дахлдор қарздорликлар бўйича 1-даражали банк капиталининг 25% миқдоридан;

г) жами ажратилган йирик кредитларнинг умумий суммаси 1-даражали банк капиталининг 8 бараваридан ошмаслиги керак.

Булар фақат банкнинг кредитлаш операцияларига тааллуқли бўлган меъёрий нормативлар ҳисобланади. Демак, банк капитали қанча юқори бўлса банкнинг имкониятлари ҳам шунча кўпаяди.

ОАТ “Алоқабанк”нинг хусусий капитали таркиби ва динамикасини 2-иловада янада батафсил кўришимиз мумкин.



10-расм. ОАТ “Алоқабанк”нинг активлар динамикаси (млрд.сўм)¹.

2012 йил 31 декабр ҳолатига кўра ОАТ “Алоқабанк”нинг активлари 629 миллиард сўмни ташкил этди, бу эса ўтган ҳисобот даврига нисбатан 141миллиард сўмга ёки 28,9% га ошди. Таъкидлаш жоизки, охириги беш

¹ ОАТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

йилда банк активлари 3 марта ортди. Банк активларини келгусидаги стратегик йўналишларни аниқлаш йўли орқали бошқаришда молиявий турғунликни таъминлаш, фойда ва ликвидликнинг мақбул даражаларига этишиш, шунингдек банк хавф-хатарларини рационал бошқаришга амал қилинди.

ОАТ “Алоқабанк” активлари таркиби ва динамикасини 3 - иловада батафсил кўриш мумкин. Банкнинг активлари таркиби кўрадиган бўлсак, энг кўп улушни кредит ва лизинг ташкил қилади. 2012 йил якунларига кўра, банк томонидан ажратилган кредит ва лизингларнинг қолдиғи жами банк активларининг 64,2 фоизини ташкил этади. Халқаро амалиётда бу кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлса меъёр даражасида деб баҳоланади.


Мамлакатимиз Президенти қарори билан тасдиқланган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини бажариш мақсадида 2012 оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларига 1,6 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Банк томонидан жамғарма маблағлари қатъий равишда узоқ ва бориш қийин бўлган, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда. 2013 йил бошига ОАТ “Алоқабанк”нинг кредит портфели 406,2 миллиард сўмни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 100,6 миллиард сўмга ёки 32,8 фоизга ортди. Шунини таъкидлаш керакки, охириги беш йил давомида банкнинг кредит портфели 4,5 мартага ошди.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ОАТ “Алоқабанк” корпоратив мижозларга чет эл технологиялари ва қурилмаларини харид қилиш учун лизинг тақдим этмоқда. Ушбу кредитлаш тури, айниқса, кичик бизнес вакиллари томонидан эскирган қурилма ва воситаларни янгилаш мақсадида фаол равишда фойдаланилмоқда. Банк томонидан 2012 йилда жами бўлиб 4,1 миллиард сўмлик молиявий лизинг хизматлари кўрсатилди.

Ҳар йили банкнинг кредит портфели таркибида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, асосий воситаларни модернизациялаш ва кенгайтириш учун харид этишга ажратилган кредитлар ҳажми ортиб бормоқда.

Умуман олганда мамлакатда ва Республика ҳудудларда максимал қулай бизнес муҳитини яратиш, шахсий мулк устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш, ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорларга катта эркинликни бериш қўшима импульс берди ва банк томонидан микрокредитлаш дастурини ривожлантириш йўлининг тўғрилигини кўрсатди. 2012 йил давомида 31,6 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар берилди, бу эса ўтган ҳисобот даврига нисбатан 10,9 миллиард сўмга ортиқ ёки унинг 52,6% ни ташкил этади.

Банк томонидан Республика иқтисодиётининг реал сектори соҳасидаги сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи корхоналарни модернизациялаш, уларни техник ва технологик қайта таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.




**11-расм. ОАТ “Алоқабанк”нинг кредит портфели динамикаси
(млрд. сўм)¹.**

Банкнинг депозитлари 2012 йил 31 декбр ҳолатига кўра, 305 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этган. 2012 йил 31 декабр ҳолатига банк бўйича

¹ ОАТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

аҳоли омонатлари қолдиғи 95,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,6 млрд. сўмга ёки 31 фоизга ўсган. Аҳоли омонатлари жами депозитларнинг 31 фоиздан кўпроғини эгаллайди.



12-расм. ОАТ “Алоқабанк” томонидан жалб қилинган аҳоли омонатларининг динамикаси (млрд.сўм)¹.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ОАТ “Алоқабанк”нинг актив ва пасивлари таркибини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш натижасида банкда актив ва пасивларни бошқаришнинг самарали тизими йўлга қўйилганини кўришимиз мумкин бўлади. Банкнинг молиявий ресурслари турли хил йўналишларга жойлаштириш орқали диверсификацияланган ва бунинг натижасида банкнинг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рисклар маълум даражада камайтирилган.

Банкнинг актив ва пасивларини самарали бошқариш орқали ликвидлилик ва даромадлилик даражалари оптимал даражада таъминлаб келинмоқда.

¹ ОАТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланди.

III Боб. Банк актив ва passивларини бошқаришдаги муаммолар ва уларнинг ечими.

3.1. Банк актив ва passивларини бошқаришдаги муаммолар.

Битирув малакавий ишининг юқоридаги бобларида тижорат банклари актив ва passивлари ҳамда уларни бошқариш амалиёти, хориж тажрибаси, банклар актив ва passивларини бошқариш назариялари ва стратегияларини кўриб чиқдик. Тижорат банклари ўз фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришлари учун банк ликвидлигини таъминлашга алоҳида эътибор берадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари олдида турган энг катта муаммолардан бири банкнинг ликвидлигини таъминлаган ҳолда фойда нормасини оширишдир. Банк фаолиятининг ривожланишидан маълумки, банк активлари даромадлилиги ва ликвидлиги бир-бирига тескари пропорционал кўрсаткичлар ҳисобланади. Тижорат банкларидан актив ва passивларини самарали бошқариш орқали ликвидлик ва даромадлилик муаммосини ҳал этишлари талаб этилади.

Тижорат банклари актив ва passивларини бошқариш қуйидаги жараёнларни ўзида қамраб олади:

- банк ликвидлигини таъминлаш;
- банк фаолиятидаги рискларни минималлаштириш;
- банкнинг харажатларини камайтириш;
- банкнинг фойдасини ошириш;
- банк акционерлари, омонатчилари, кредиторлари ва мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Табиийки, бу жараёнларда банклар бир қанча муаммоларга дуч келадилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига

бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон тижорат банклари жорий ликвидлик коэффициенти 65 фоиздан ошди¹, бу Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёр даражасидан икки баробардан кўпроқдир. Бу яхши албатта, лекин ликвидлик даражасини ҳаддан зиёд юқори бўлиши банкнинг дойда даражасини камайишига сабаб бўлади. Чунки ликвидлик ва даромадлилик кўрсаткичлари бир-бирига тескари пропорционал ҳисобланади.

Тижорат банклари активлари ва пасивларининг диверсификация даражасига ҳам эътибор бериш керак бўлади.

Ҳозирги кунда айрим банклар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишда ва уларни жойлаштиришда меъёр даражасида диверсификация қилинмаган. Агар банклар актив ва пасивларини турли хил йўналишлар бўйича диверсификация қилмасалар бу банк фаолиятини банкротлик ҳолатига олиб келиши мумкин бўлади. Масалан, “Кредит-Стандарт” очик акциядорлик – тижорат банкининг жами ресурслари 2012 йил 31 декабр ҳолатига кўра, 72 336 млн. сўмга тенг бўлган. Банк жами ресурсларининг 65 фоизини, яъни 47 641,7 млн. сўми ўз маблағлари улушига тўғри келади, 35 фоизи эса, яъни 24 694,4 млн. сўми жалб қилинган ресурслар ҳисобига тўғри келади. Мажбуриятларининг 84 фоизини талаб қилиб олингунча депозитлар ташкил қилади². Талаб қилиб олингунча депозитларнинг мажбуриятлар таркибида юқори улушни эгаллаши банк ликвидлигини хавф остига қўяди.

Тижорат банкларининг актив ва пасивлари таркибидаги муаммолардан яна бири бу муаммоли активларнинг мавжудлигидир. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 11 февралда № 632-сон билан рўйхатга олинган “Активлар сифатини

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси./Халқ сўзи/ 2013 йил 20-январь.

² Банк ахборотномаси, №19 (886), 2013 йил 1 май. Аудит натижалари асосида таҳлил қилинди.

таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тижорат банклари корреспондент ҳисобварақдан Марказий банкда очиладиган банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун мажбурий захиралар депозитига банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шаклланган махсус захиралар маблағлари миқдорига тенг суммани ўтказишни таъминлашлари шарт деб белгиланган.

Масалан, тижорат банкида бир миллион сўмга тенг активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун захира ташкил қилинган бўлса, Марказий банкка ҳам шунча сумма Марказий банкда очиладиган банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун мажбурий захиралар депозитига ўтказиб берилади. Бу ҳолатда тижорат банкида уч миллион сўмга тенг маблағ банк ихтиёридан чиқиб кетади. Яъни, муаммога айланган активнинг ўзи бир миллион, банкда ташкил этилган захира бир миллион, Марказий банкка ўтказиб берилган захира бир миллион, шунда жами уч миллион сўм маблағ банк ихтиёридан ташқарида қолади.

Мажбурий захиралар депозитларига ўтказиш учун мажбурий бўлган маблағлар ҳажми банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шаклланган захиралар суммасидан келиб чиқиб, ҳар ойннинг 10, 20-санаси ва ой якунлари бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисоб-китоб якунлари бўйича уч иш куни давомида тижорат банклари махсус захиралар миқдоридан етишмаётган суммани мажбурий захиралар депозитларига ёки уларнинг асослаб берилган мурожаати асосида Марказий банк ортиқча суммаларни тижорат банкларига қайтариб беради.

Банк актив ва пасивларини бошқариш билан боғлиқ бўлган яна битта муаммо Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган мажбурий резервлар нормасининг юқорилигидир. Ҳозирги кунда мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб

олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 %, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 %, 3 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 10,5 % миқдорида белгиланган. Бундай табақалашган ҳолда мажбурий резервлар нормасининг ўрнатилишига асосий сабаб тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банки олдидаги муаммо шундан иборатки, тижорат банки жалб қилган ресурсини жойлаштираётганда мажбурий захирага йўналтирилган суммани ҳам ҳисобга олиши керак бўлади. Масалан, банк бир йилгачамуддатга бир миллион сўм депозит жалб қилган бўлса, тижорат банки 850 минг сўмидан фойдалана олади холос. 850 минг сўм ресурсни жойлаштириш орқали бир миллион сўм депозитнинг фоизини коплаши ҳамда ўзининг маржасини ҳам олиши керак бўлади.

Ўзбекистон тижорат банкларида активларни бошқариш билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизими такомиллашмаганлигидир. Ўзбекистондаги аксарият банкларда миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда фақат 3 ёки 4 та кўрсаткичдан фойдаланилади, банклар кредит сиёсатининг нисбатан саёз ишланганлиги. Бундай ҳолатлар келажакда банкда муаммоли кредитларнинг юзагакелишига сабаб бўлиши мумкин.

Мавжуд муаммоларнинг яна биттаси – ҳозирги кунда Ўзбекистондаги аксарият тижорат банклари активларининг самарали диверсификация қилинмаганлигидир. Яъни, Ўзбекистон тижорат банкларининг активлари таркибида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар кам улушга эга.

Тижорат банклари томонидан бажариладиган факторинг ва форфейтинг операцияларининг улуши деярли мавжуд эмас, ёки жуда кам улушни ташкил этади.

Тижорат банклари шу ва шунга ўхшаш муаммоларни бартараф этиш учун аввало банк бошқарув тизимини самарали ташкил қилиш лозим.

3.2. Ўзбекистонда тижорат банклари актив ва пасивларини бошқаришдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини таъминлаш йўллари.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг активлари ва пасивларини бошқаришни самарали ташкил этиш ва оқилона бошқариш ҳамда шу орқали банк ликвидлигини таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган молиявий хатарларни олдиндан аниқлаш ва бартараф қилиш чораларини кўриш, банкнинг фойдасини ошириш, банкнинг омонатчилари, кредиторлари ва акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар ҳар битта тижорат банки олдида турган муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон тижорат банклари актив ва пасивларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, биринчи навбатда, банкларнинг ресурслари таркибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Банклар ресурсларни жойлаштира олиш имкониятига қараб жалб қилишлари лозим, яъни банклар шундай омонат турларини таклиф қилишлари керакки, бу орқали банкнинг ликвидлик даражаси таъминлансин ва банкнинг фойдаси ҳам кўпайсин.

Ҳозирги кунда Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 %, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 %, 3 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 10,5 % миқдорида белгиланган. Бундай табақалашган ҳолда мажбурий резервлар нормасининг ўрнатилишига асосий сабаб тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш бўлиб ҳисобланади. Банкларнинг депозит операцияларини рағбатлантириш мақсадида мажбурий захиралар нормасини босқичма-босқич пасайтириб бориш лозим деб ўйлашимиз.

Россия Федерация банк тизими амалиётида мавжуд бўлган ой ўртасида амалда бўлган иқтисодий меъёрларни тўла бажариб келаётган банклар илтамосномасига мувофиқ мажбурий захира сумма қолдиғининг 5% фойдаланишга рухсат этилади¹. Ушбу амалиётни мамлакатимиз банкларида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Банкларнинг депозит операцияларини ривожлантиришнинг шартларидан бири бу банкга бўлган ишончни ошириш бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун, энг аввало, мижозларга биринчи талаби билан уларнинг депозитларини бериш лозим ёки янада қулайроқ шароитлар яратган ҳолда, масалан, фоиз ставкасини ошириш ҳисобига депозит муддатини узайтириш керак бўлади.

Банк пасивларини бошқаришда, яъни ресурсларини шакллантиришда чет эл банкларининг тажрибасига ҳамда улар эришган ютуқларга назар ташлаб, улардан ўзимиз учун афзалларини ҳамда ўзимизнинг иқтисодий муҳитимизга мос келадиган ютуқларни ўзлаштирсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Депозитлар масаласини ечиш учун тижорат банклари томонидан турли хилдаги банк хизматлари таклиф қилиниши ҳамда хизматларнинг сифатини ошириб бериш мақсадга мувофиқдир. Банк хизматлари ўзгарувчан иқтисодиётда шаклланадиган талабларга мослашувчан бўлиши керак. Жисмоний ва юридик шахсларни тижорат банклари ўзларига ишонтиришлари керак.

Тижорат банкларининг актив операциялари таркибида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ривожлантириш лозим. Бунинг учун эса, энг аввало, қимматли қоғозлар бозорининг иккиламчи бозорини ривожлантириш керак. Банкларнинг иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги иштирок этишлари учун турли хил имтиёзлар ва рағбатлантиришлар бериш орқали ривожлантириб бериш лозим.

¹ Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент) / Под ред. проф. О.И. Лаврушина. - М.: Юрист, 2003.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон банк амалиётида факторинг ва фарфейтинг каби актив операцияларни ривожлантириш лозим. Факторинг операциялари банк учун ҳам мижоз учун ҳам фойдали амалиёт ҳисобланади. Факторинг корхоналар ўртасидаги тўловсизлик муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

Банк активлари даромадлилиқ даражасига кўра даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади. Банклар активларининг таркибида даромад келтирувчи активлар халқаро амалиётга кўра 70-85 % орасида бўлса нормал ҳолат ҳисобланади. Даромад келтирувчи активларнинг ичида энг юқори улушни кредит операциялари эгаллайди. Кредит операцияларининг улуши жами активларнинг 60 фоизидан юқори бўлиши банкнинг кредитлаш операциялари самарали йўлга қўйилганидан далолат беради. Бунинг учун банкларнинг кредит операциялари ривожлантириш лозим. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бевосита кредит фоиз ставкасига таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда Республикамизда қайта молиялаштириш ставкаси 12 фоизни ташкил этади. Банкларнинг кредит операцияларини ошириш ва мижозларнинг кредит олишларини рағбатлантириш мақсадида қайта молиялаштириш ставкасини босқичма – босқич пасайтириб бориш лозим деб ҳисоблаймиз.

Банк активлари диверсификацияланганлик даражаси нафакат банкнинг ликвидлиги, балки унинг умумий фаолиятига ҳам ижобий таъсир этувчи омил ҳисобланади. Диверсификация, айниқса, кредит портфели ва қимматли қоғозлар портфелида ниҳоятда зарурдир. Чунки диверсификацияланмаган кредит портфели ёки ихтисослашган тижорат банкларида катта қисмда фақат бир тармоқ ёки ўзаро дахлдор бўлган мижозларни кредитлаш келгусида бу соҳада бўлган ҳар қандай йўқотиш, кредитнинг қайтмаслигига хизмат қилади. Бу эса охир - оқибат банкнинг катта зарар ёки йўқотишига олиб келади. Шунинг учун банклар доимо кредит сиёсатини мустаҳкамлаши ва кредит портфелини

диверсификациясига алоҳида аҳамият қаратиши лозим. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар портфели ҳам диверсификацияланиши лозим.

Банклар фаолиятининг самарадорлилиги даражасини аниқлайдиган муҳим омиллардан бири банк депозит базасининг сифатидир. Маълумки, депозитлар талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли бўлади. Депозитлар сифатининг мезони унинг барқарорлиги ҳисобланади. Депозит базаси барқарорлиги қанча яхши ва кўп бўлса, банк ликвидлиги шунча юқори бўлади. Чунки барқарор депозитлар банкдан чиқиб кетмайди. Депозитлар барқарорлигининг ошиши банкнинг ликвид маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиради. Кўплаб тижорат банклари учун депозит операциялар билан шуғулланиш фойдали бўлмаслиги мумкин, чунки бошқа операциялар уларга юқорироқ даромад олиб келиши мумкин. Шунинг учун банклар хатто ўз ходимларига ҳам бошқа банкларда депозитга маблағларини қўйишни тавсия этади. Чунки ушбу депозитлар учун банклар ҳақ тўлашлари керак, қолаверса, тўпланган маблағлардан унумли фойдаланиш керак, фаол тарзда уларни жойлаштирган ҳолда юқори фойзда даромад олиш керак. Шунинг учун банклар депозит операцияларини ривожлантирмаслиги мумкин.

Масаланинг иккинчи томонида эса депозитарии жалб этиш асосий иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки аҳоли кўлидаги бўш пул маблағларини банклар ҳаракатга келтиради ва ушбу маблағлар ишлайдиган активга айланади, яъни бошқа шу маблағлар зарур бўлган хўжалик юритувчи субъектларга йуналтирилади.

Банк ликвидлигига ташқи манбалардан банкнинг қарамлик даражаси ҳам таъсир кўрсатади, яъни четдан ресурс жалб этиш, бунда банклараро кредитларни келтириш мумкин. Банклараро кредитлар маълум йуналишларда банк ликвидлигига ҳеч қандай муаммо туғдирмайди, аксинча, қисқа муддатли ликвидликни таъминлашда банк учун қулай восита ҳисобланади. Лекин банк жалб қилган ресурсларининг асосий қисмини банклараро кредитлар ташкил этса, банклараро бозордаги

ноқулай вазиятлар банкнинг инкирозига олиб келиши мумкин. Ташқи манбаларга қарамлик даражаси банк бизнеси учун ўзининг ресурс базасига эга эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун тижорат банклари ўз ресурс базасини бошқаришда, улардан самарали фойдаланиш мақсадида бўш ресурсларни қисқа муддатларга даромад олиш мақсадида жойлаштиради ва ресурс тақчиллигида уларни банклараро кредит ресурслари бозоридан жалб қила олиши мумкин ва мижозларнинг мажбуриятларини биринчи талаби биланоқ бажаради. Тижорат банклари ресурслари таркибида банклараро кредит ресурслари бозоридан олинган кредитлар салмоғи кўп бўлиши унинг ресурслари қимматлашишига олиб келади. Шунинг учун унинг миқдори жами ресурслар ичида 20% дан ошмаслиги тавсия этилади.

Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит портфелини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнига катта эътибор берилмоқда. Кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкнинг самарали фаолиятини амалга оширишнинг, яъни банк актив ва пасивларини бошқаришнинг тўғри ташкил этилиши асоси бўлиб ҳисобланади. Мавжуд ресурсларни сифатли ва даромад келтирадиган қилиб жойлаштириш банкларнинг молиявий ҳолатига, ликвидлигига ижобий таъсир кўрсатади. Банклар томонидан берилган кредитлар сифатининг пастлиги, уларни қайтариш бўйича муаммолар мавжудлиги банк ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади ва банк томонидан кредит сиёсатини тузиш ва уни олиб боришда маълум камчиликларга йўл қўйилганидан далолат беради. Албатта бунинг барчаси банк рискининг ошишига, бинобарин банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлиги тушиб кетишига олиб келади.

Банкларда муаммоли кредитларнинг юзага келиши натижасида банклар шу кредитлар учун захира ташкил қилишлари лозим бўлади. Кейин эса шу захира суммасига тенг миқдордаги маблағни Марказий банкдаги активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун захира ҳисобварағига ўтказиб беришлари лозим бўлади. Бу эса бир пайтнинг

Ўзида банкда мавжуд муаммоли кредит суммасидан уч барабар кўп қимматга тушади. Яъни шу муаммоли кредит ўзи, шу кредит учун ташкил қилинган захира ва шу захира суммасига тенг миқдордаги маблағнинг Марказий банкдаги эҳтимолий йўқотишлар бўйича захира ҳисобрақамига ўтказилиши банкка битта актив бўйича уч барабар қимматга тушади.

Бундай ҳолатда банклар муаммоли кредитларни юзага келишидан олдин аниқлашлари ва кредитни муддатидан олдин ундириш чораларини кўришлари лозим бўлади. Бунинг учун эса энг аввало банклар кредит беришдан олдин миждознинг кредитга лаёқатлилигини ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилишлари, бизнес режаларнинг ҳақиқатга яқин ишлаб чиқилганига эътибор беришлари ва гаров таъминотига ҳам алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлади. Яъни кредит учун гаров олинаётганда гаров объектининг ҳолатига, ликвидлигига, агар кредит қайтмайдиган бўлса бозорда шу гаров объектига харидор топиладими ёки йўқми, шу каби жиҳатларга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Банкларнинг самарали фаолият юритиши, энг аввало, банкда ишлайдиган банк ходимларининг малакасига боғлиқ бўлади. Бу борада ҳам ҳозирда Республикамизда салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, банк актив ва пассив операцияларини амалга ошириш, аҳоли ишончини қозониш ва банк тизимининг самарали фаолиятини ташкил этиш давлат миқёсидаги пул муомаласини мустаҳкамлаш ва банк тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган асосий вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Бу вазифаларнинг ҳал қилиниши ўз навбатида мамлакатимизда зарур бўлган маблағларни четдан жалб қилмай, балки мавжуд бўлган захиралардан самарали фойдаланиш имконини яратади ва Республикамиз иқтисодиётини кўтаришда асосий асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Банкларнинг активлари ва пасивларини бошқаришни самарали ташкил этиш ва оқилона бошқариш, яъни ҳам омонатчилар талабини ўз вақтида ва тўлиқ қондира олиш, ҳам кредиторлар талабини таъминлай олиш қобилиятини таъминлаб бериш банк барқарорлиги ва даромадлилигини таъминлашнинг зарурий шартидир.

Битирув малакавий ишимиз мавзусини ёритиш мобайнида бир қатор хулосалар қилишга эришдик.

Биринчидан, банк активлари таркибининг тўғри белгилаб олиниши ва улардан мақсадли фойдаланиши банкларнинг самарали фаолият олиб боришига асос ҳисобланади.

Иккинчидан, банкларнинг етарли ресурсларга эга бўлиши ўта долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумки, банкнинг етарли ресурсларга эга бўлиши унинг пасив операцияларини самарали ташкил этиш ва бошқаришини талаб этади.

Учинчидан, активлар ва пасивлар бўйича мажбуриятларни бошқариш банкнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Банкларнинг пасив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта ўрин тутди.

Тўртинчидан, активлар ва пасивларни бошқаришда банк активлари ликвидлиги масаласини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади. Банклар самарали фаолият юритиши ва уларнинг ишончлилигини таъминлашга эришиш учун банкларнинг ликвидлигини қай даражада эканлигини аниқлаш жуда муҳимдир.

Бешинчидан, ҳар бир тижорат банки ўзининг ривожланиш стратегиясидан ва банк фаолиятининг йириклигидан келиб чиққан ҳолда, ликвидлиликни бошқариш стратегияларини эътиборга олиб, ўз фаолиятида қўллаши банкнинг ликвидлигини таъминлаб туради.

Юқорида келтирилган хулосалар билан бир қаторда битирув малакавий ишимиз мавзусига доир долзарб муаммоларни бартараф қилишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқдик.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари учун белгиланган мажбурий захиралар нормаларини камайтириш лозим.
2. Банкларнинг иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги фаол иштирокини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ.
3. Тижорат банклари кредит портфелидаги юзага келиши мумкин бўлган потенциал муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш ва иложи борича ушбу кредитларни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўришлари лозим. Яъни, муаммонинг юзага келишини кутиб ўтирмасдан уни вақтлироқ бартараф этиш чораларини кўриш лозим.
4. Ўзбекистон банк тизими амалиётида мавжуд бўлган ой ўртасида амалда бўлган иқтисодий меъёрларни тўла бажариб келаётган банklar илтамосномасига мувофиқ Марказий банкда сақланадиган мажбурий захира суммаси қолдиғининг маълум бир қисмидан фойдаланишга рухсат этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, банк актив ва пассивларини самарали бошқариш орқали банklar ўзларининг молиявий фаолиятларини амалга оширадilar ва бунинг натижаси ҳам актив ва пассивларнинг қай даражада самарали бошқарилаётганлигидан далолат беради..

Келтириб ўтилган хулоса ва таклифларнинг инобатга оlinиши банklarнинг активлари ва пассивларини янада самарали бошқаришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

1.1. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 21 декабр 1995 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

1.2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 25 апрел 1996 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2011-2015 йилларда Республика Молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли Қарори

1.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда № 242 сон билан тасдиқланган “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 25 июлда № 949 сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 26 апрелда №420 сон билан тасдиқланган “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” Низом.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 2 декабрда №557 сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 25 сентябрда №422 сон билан тасдиқланган “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар

гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида” Низом.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 2 декабрда № 556 сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 2 ноябрда №423 сон билан тасдиқланган “Банклар ва уларга дахлдор шахслар билан ўтказиладиган операциялар тўғрисида” Низом.

1.8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси./Халқ сўзи/ 2013 йил 20-январь.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2011-2015 йилларда Республика Молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли Қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2084-сонли Фармони, 1998 йил 2 октябрь.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3831-сонли Фармони, 2006 йил 19 декабрь.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги

инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ПҚ-670-сонли Қарори, 2007 йил 12 июль.

II. Асосий ва қўшимча адабиётлар.

2.1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: "Молия", 2000, 312 б.

2.2. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик –Т.: ТМИ, 2003, 312 б.

2.3. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: "Молия", 2002, 304 б.

2.4. Абдуллаева Ш.З., Сафарова З.Б. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. –Т.: “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2007, 200 б.

2.5. Омонов А.А. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. –Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2008 йил, 248 б.

2.6. Абдуллаева Ш.З., Абдуллаев О.А., Банк менежменти ва маркетинги фанидан маърузалар матни. –Т.: “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2006.

2.7. Сатторов О. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. –Т.: "EXTREMUM PRESS" нашриёти, 2010, 112 б.

2.8. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. -М.: Консалтбанкир, 2003.-345 с.

2.9. Муллажонов Ф.М. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2011. 368 б.

2.10. О.И. Лаврушина Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). - М.: Юристь, 2003. -526 с.

2.11. Дж. Синки, мл. Управление финансами в коммерческих банках, пер. с англ. 4-го переработанного изд./ под ред.Р.Я.Левиты, Б.СЛТинскера. -М.: 1994, Catallaxy. - 820 с.

III. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

3.1. Ф.Муллажонов. Ўзбекистон банк тизими: Барқарор ривожланиш, халқаро меъзонларга эришиш йўлида // Бозор, пул ва кредит журнали. – Тошкент, 2013. - № (188) 01/2013. Б.4-12.

3.2. Банк ахборотномаси. - Тошкент, 2013 йил 1 май. - №19 (886) 6-бет.

3.3. “2012 йилда пул – кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”. Бозор, пул ва кредит журнали. – Тошкент, 2013. - № (188) 01/2013.

IV. Интернет сайтлари.

- 4.1. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти).
- 4.2. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).
- 4.3. <http://www.bank.uz> (Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари сайти).
- 4.4. <http://www.cbr.ru> (Россия Банки сайти).
- 4.5. <http://www.aloqabank.uz> (Ўзбекистон Республикаси ОАТ “Алоқабанк” расмий сайти).
- 4.6. <http://www.bpk.uz> (Ўзбекистон Республикаси Бозор, Пул ва Кредит журнали сайти).
- 4.7. <http://www.uzrepot.com> (Ўзбекистон Республикаси янгиликлар сайти)
- 4.8. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари сайти).

1-илова.

ОАТ "Алоқабанк" ресурслари таркиби ва унинг динамикаси (31 декабр ҳолатига).

№	Кўрсаткичлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил	
		Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)	Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)	Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)
1	Мажбуриятлар (банкнинг жалб қилган ресурслари)	166 968	83,2	196 949	81,0	279 856	81,2
2	Банк капитали	33 712	16,8	46 289	19,0	64 772	18,8
3	Жами ресурслар	200 680	100	243 238	100	344 628	100

2-илова.

ОАТ "Алоқабанк"нинг ўз капитали таркиби ва динамикаси (31 декабр ҳолатига).

№	Кўрсаткичлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил	
		Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)	Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)	Сумма (млн.сўмда)	салмоғи (%)
1	Устав фонди	24 774	73,5	34 000	73,5	48 946,4	75,6
2	Умумий захира	3 331	9,9	6 152,7	13,3	8 013,9	12,4
3	Тақсимлан-маган фойда	4 089	12,1	4 524	9,8	6 199,4	9,6
4	Бошқалар	1 517,3	4,5	1 612	3,5	1 612	2,5
5	Жами ўз маблағлари	33 711,3	100	46 288,7	100	64 771,7	100

3-илова.

ОАТ "Алоқабанк" активлари таркиби ва динамикаси (31 декабр ҳолатига).

№	Кўрсаткичлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 й
		Сумма (млн.сўмда)	салмоғ и (%)	Сумма (млн.сўмда)	салмоғ и (%)	Сумма (млн.сўмда)	салмоғ и (%)	Сумма (млн.сўмда)
	Активлар							
1	Кассадаги маблағлар	8 545,9	4,3%	8 657,7	3,6%	5 521,2	1,6%	11 624,9
2	Марказий банкдаги маблағлар	20 026,9	10,0%	41 946,7	17,2%	57 084,7	16,6%	53 796,1
3	Бошқа банклардаги маблағлар	57 162,5	28,5%	13 053,3	5,4%	42 572,9	12,4%	41 550,3
4	Кредит ва лизинглар	90 794,3	45,2%	150 231,2	61,8%	161 174,7	46,8%	304 591,2
5	Қимматли қоғозларга инвестицияла р	1 904,4	0,9%	5 652,3	2,3%	20 653,5	6,0%	20 292,1
6	Асосий воситалар	10 337,3	5,2%	5 588,4	2,3%	11 205,2	3,3%	32 751,5
7	Бошқа активлар	11 907,8	5,9%	18 108,3	7,4%	46 414,9	13,5%	23 432,9
	Жами	200 679,1	100	243 237,9	100	344 627,1	100	488 039,0

	активлар							
--	-----------------	--	--	--	--	--	--	--